



ЖАСОРАТ

қотилликка алоқадор энг майда белгиларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Жасаднинг кўкрак қафасига тигли курол билан икки марта жароҳат етказилганлиги аниқланди. Кейин хонадаги буюмларда қолган бармоқ излари ўрганилди. Қўни-қўшнилари кўрсатмалари эринмай ҳужжатлаштирилди.

Воқеалар ривожини охиригача яққола ягона гумондор бўлиб қолган 23 ёшли тошкентлик Михаил Мальцевга бориб тақалаверди. Аввал ўғрилиги ва безорилиги учун бир неча марта судланган бу йигитчанинг қочиб юриши изкуварлар шубҳасини янада орттирарди.

Уни қўлга олиш борасида Ленин тумани ИИБ ходимлари билан ҳамкорлик қилишга

ахдлашиб олинди, иккита қидирув гуруҳига бўлиниб, иш олиб борилаверди. Мальцев бориши мумкин бўлган барча манзилларга тузоқ қўйилди.

Тошкент тумани ИИБ ЖКБ оператив вакили милиция катта лейтенанти Серкибой Қорабоев, участка вакили милиция катта лейтенанти Файбулла Раҳматуллаевлар 14 май куни кечкурун Мальцевни қўйлиқ даҳасида эканлигини аниқладилар. Кейин милиция старшинаси Соиб Турсунов бошқараётган машинада шошлинч равишда йўлга тушдилар.

Уша даҳадаги пивоҳоналардан бирининг олдида сархушлиқдан чайқалиб, кулишиб турган бир гуруҳ йигитларни кўришди. Санаб кўришса, роппа-роса 12 киши. Ун иккинчиси ўша — ўзлари қидираётган йигит.

Орадан кўп ўтмай уларнинг олдида бир автобус келиб тўхтади. Шофёр ҳам «ўзларидан», шекилли, бирин-кетин ҳаммалари чиқишди.

Вақтни ўтказмай уларнинг кетидан милиция катта лейтенантлари ҳам чиқиб олишди. Ҳаят таҳликали лаҳзаларда улар таваккал қилмоқчи эдилар. Серкибой тўппончасини яланғочлаб, шофёрга қаратди, Файбулла эса ўз куролини маст-аластларга тўғрилади.

— Қани, ҳаммаларинг салонининг орқа томонига ўтинглар, ким қаршилиқ кўрсатса, отиб ташлаймиз!

Шундан кейин Мальцевнинг қўлига кишан солишдида, шофёрга буйруқ беришди.

— Тўғри Ленин тумани ИИБга ҳайда!..

Икки нафар милиционер жасорати туфайли 12 нафар ҳамтовоқлари орасидаги қотил шу тариқа ҳибсга олинди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

КАПИТАН БЎЛИШ ҚИЙИН

Мен ички ишлар идораларида ўн йилдан бери хизмат қилиб келаман. Шу йиллар мобайнида беором касб эгалари фаолиятининг яхшиёмон томонларидан бир мунча огоҳ бўлдим.

Мақсадимни очик баён қилганим бўлсам, ИИБнинг айрим ходимлари камситилди. Йўқ-йўқ, бунга юқори мансабли раҳбарлар ёки сафдошлар эмас, қонун-қонда айбдор.

Ҳозир ана шу фикрини исботлашга ҳаракат қиламан. Бизнинг ички ишлар бўлимининг ҳар доми Ҳамроали Бозоров, Олимжон Турсунов, Муроджон Пулатовларни энг яхши участка вакиллари сифатида мақташди. Чиндан ҳам уларнинг тажрибасидан ҳар қанча ўрганса арзийди. Лекин улар 10-15 йилдан бери катта лейтенантлик унвони билан юришибди (?). Чунки қишлоқ жойларида участка вакилининг энг юқори унвони шу. Агар вакил ўрта махсус маълумотли бўлса ва минг марта яхши кўрсаткичга эришса ҳам, капитан унвонини ололмайди.

Қонун-қондада шундайлигини милициядагилар-ку яхши билишади, лекин оддий фуқаролар-чи? Фалончи яхши ходимга ўхшайди-ю, лекин биз билгандан бери унвони ошмайди, деб кулишмайди-ми? Ёки бирор айби борлиги учун унвонини оширишмаётган бўлса керак, деб ўйлашмайди-ми?

Назаримда, ана шу жиҳатлардан участка вакиллари оғир оғир қонун-қонда томонидан камситилляпти.

Кейинги пайтларда милиция ходимларига қўллаб ҳуқуқ ва енгилликлар бериляпти. Шу қаторда ИИБ шахсий таркиби йиғилиши қарорига мувофиқ участка вакиллари бир поғона юқори унвон бериш тартиби жорий этилса бўлмайди-ми?

Эминжон ОБИДОВ,
Риштон тумани ИИБ
ходими.

«02»

ХАБАРЛАРИ

ЧАЙЛАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Наманган вилояти Чуст тумани ҳудудда Тошкентдаги илмий-тадқиқот институтларидан бирининг участкаси бор. Яқинда тунги соат тўртларда участка даласидаги чайлага туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимларидан иборат гуруҳ кириб келди. Чайла ичидан шу участкада пудратчи бўлиб ишлайдиган 27 ёшли М. Жўраевнинг мурдаси топилди. Унинг танасида ўқотар қуролдан етказилган жароҳат излари кўзга яққол ташланиб турарди. Шошлинч кўрилган чоралар туфайли Фрунзе номи жамоа ҳужалиги ҳаммомчиси 29 ёшли Б. Ваҳоб ушланди. У ов милтигидан ўқ узиб, ҳамқишлоғини отиб ташлаган. Ҳозир қотиллик сабаблари аниқланмоқда.

ЎҚ ОТИЛМАЙ ҚОЛДИ

«Ўзбекмахсусқўриқурилиши»нинг Бекобод туманидаги ёрдамчи ҳужалигида эса милтиқ ўқи нам тортиб қолгани бир кишининг умрини сақлади. Ҳўжаликнинг 51 ёшли ишчиси Ю. Эгамназаров маст ҳолатда мудир билан ёқиллашгач, «ҳўжалик»нинг таъзирини бериб қўйиш мақсадида тепкини босди... Бироз кутди. Гумбирлаган овоз эшитилмади. «Омади» келмаганидан ғазаб баттар ошган ишчи мудирни болта билан чопиб ташламоқчи ҳам бўлди.

БУХОРОНИНГ НОТИНЧ КЎЧАЛАРИ

Бухоро туманилик Р. Собиров тунги соат тўртларда вилоят марказидаги кўчалардан бирида «Жигули» машинасини бошқариб бораётганида, номаълум уч киши йўлини тўсди. Кураги ва қўлига пичоқ урган боқинчилар машинага ўтириб, бошлари оққан тарафга жўнаб қолди. Қидирув натижасида улардан бири қўрилиш ташкилотини ишчиси П. Валерий қўлга олинди.

Ғ. ЖЎРАЕВ.



18 йилдан буён участка вакили бўлиб хизмат қилаётган милиция майори Йўлдош Ортиқов ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги учун

кўпчиликлка суяниб иш қўради.

СУРАТДА: Наманган шаҳар ички ишлар бўлими участка вакили милиция майори Йўлдош Ортиқов фа-

оллар Қамбарали Жўраев ва Аҳмаджон Аҳмедовлар билан.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

НОИБГА НАКАЗ БЕРИЛДИ

Кейин Т. Зоҳидбоевага сўз берилди.

— Назаримда ноиблик бугунги кунда амал ёки ўзига хос ваколат инъом этувчи мансаб эмас, балки улкан масъулиятдир, — деди нотиқ. — Менга ишонч билдирилган пайтдан бери ана шу нарсани ўзимга шиор қилиб олганман.

Шундан кейин у ўз фаолияти ҳақида йиғилганларга ҳисобот берди. Жумладан, Ленин номи жамоа ҳўжалиги ҳудудда ўрта мактаб биноси қуриляётганлиги, шу жамоа ҳўжалигидаги Дорикаш ва Боғишамол қишлоқларини газлаштириш мақсадида қувурлар ётқизилаётганлигини таъкидлади. Худди шунингдек, Шаҳрихон таъмирлаш заводи ишчи-хизматчиларидан тушган бир қанча нақзалар ҳам ўз муддатида ижобий ҳал этил-

ганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг ўзaro мулоқот мавзуси бевосита ҳуқуқ-тартиботга бурилди. Т. Зоҳидбоева туман ички ишлар бўлими ходимларининг диққатга сазовор ишлари ҳақида атрофлича тўхталди, айни пайтда улар фаолиятидаги камчиликларни кўрсатишни ҳам назардан қочирмади. Унинг фикрича, осейишталикини барқарор қилиш учун омма билан алоқани кучайтириш, кўпчилик билан тобора яқинлашиш лозим. Шундагина халқ тўла ишонч билан менинг милициям деган иборани тилга олади, формали кишиларга қалбини очадди, маслаҳатлар сўрайди, керак бўлса, ҳимоя қилади.

Учрашув давомида милиция ходимлари ноибга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди.

Бўлим бошлиғи ўринбосарлари А. Зокиров, Э. Маърупов, бошланғич фирқа ташкилоти котиби С. Зокиров ўртоқлар кўтарган масалалар қизғин баҳс ва тортишувларга сабаб бўлди. Йиғилишда таъкидланганидек, милиция ходимларининг кўпчилиги туманининг узоқ қишлоқларидан келиб ишлашади. Йўл азоби — гўр азоби, деганларидек, транспорт қатнови ёмонлиги, айниқса, хизмат кишилари учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Иккинчи томондан, ички ишлар бўлимининг ўзида ҳам транспорт танқислиги яққол сезилиб қолган. Турли тадбирларни ўтказишда бу нарсаси ишга ҳалақит бермоқда. Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда халқ ноибидан ИИБ учун битта автобус берилишида ёрдам сўралди. Т. Зоҳидбоева бу нақазни бажаришга қаттиқ киришмаганини маълум қилди. Юсуф БЕК.

5 ИЮНЬ—ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ



Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳавога чиқаётган зарарли моддалар миқдориди автомобилотранспорт воситаларининг «улуши» бекиёс. Шунинг учун ички ишлар идораларининг давлат автомобиль назорияти ходимлари ортиқча заҳар-зуққумли дуд билан атроф-муҳитни булғаётган автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига, автоҳужа-

ликларнинг масъул раҳбарларига тегишлича чора кўриб бормоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Андижон вилояти ИИБ ДАНБ ходимлари «мусаффо ҳаво» тадбири пайтида; милиция сержанти Шукуржон Воҳидов қондабузар ҳайдовчини тўхтати.

Ғулумжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Инсоният таҳлика остида қолмоқда. Зеро Она Табиатга шафқатсизларча муомала қилиш натижасида буюк мувозанатга путур етмоқда. Дилга таскин бераётгани шундаки, инсон ножўя қадам босиш оқибатини англамоқда. Шунинг учун атроф-муҳитни асраш бугун жаҳон миқёсида энг долзарб муаммога айланди.

Табиатдаги мавжуд ҳайвот ва ўсимлик оламини, мусаффо ҳавони келажак авлодларга қолдириш учун кураш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи. Ҳозир лоқайдлик, совуққонлик пайти эмас. Чунки гап ҳаёт-мамот ҳақида бормоқда.

СУРАТЛАРДА: пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Пойариқ кўчасининг 3-берк кўчасида шундай манзарани учратасиз. Бу ердан анҳор суви оқиб ўтади. Унинг ҳар икки қирғоғи одамлар «ғамхўрлиги» туфайли мана шу аҳволга тушган.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНАЁТГАН БОСҚИНЧИ

ЖИНОЯТ

— Диккат, диккат! Барча постларга! Мен—«Байкал», Эштинлар... Ҳозиргина «ВАЗ-2106» белгили 72-98 ТНИ рақамли автомашина олиб қочилган. Зудлик билан қизил рангли «ВАЗ-2106» автомашинаси тўхтатилсин...

Чорраҳада йўл ҳаракати қондасини қўпол равишда бузиб келаётган автомашина ДАН ходимларининг ишорасига парво ҳам қилмади.

ДАН ходимлари зудлик билан чора кўришиб, ҳашпаш дегунча уларни бурчакка сиқиб қўйишди. Автомашинадан тушган бир йигит ва қиз қочиб, беркинишга ҳам улгурмишди. Қочишга улгуролмаган икки шахс ушланиб, ИИБга келтирилди.

Маълум бўлишича, уларнинг бири автомашина эгаси Т. Абдуллаев, иккинчиси эса 1965 йилда туғилган, Тошкент шаҳар Х. Абдуллаева кўчасининг 12-хонадонидида истиқомат қилувчи Нуритдин Шаробхўжаев экан. Кейинроқ эса воқеа қуйидагича бўлганлиги аниқланди.

Муқаддам судланган Нуритдин Шаробхўжаев таниши Ф. Жумаева билан муқаддам судланиб чиққан дўстини кўргани сил касаллиги шифохонасига боришади. Учаласи роса мириқиб шаҳар айланишади. Ниҳоят соат 22 ларда «Тошкент политехника олийгоҳи» бекатидан ўтаётган машинага қўл кўтаришди.

«Главпочтамт» гача,— деди Нуритдин.

— Майли, ўтиринлар,— рози бўлди ҳайдовчи.

Ҳайдовчи машинасини «Главпочтамт» да тўхтатмоқчи эди, олдинги ўриндиқда ўтирган Нуритдин:

— Билим юртигача ҳайданг, йўлни ўзим кўрсатаман,— деди.

— Шу ерда тушиб қолайлик,— деди олдинги ўриндиқдаги йигит.

Машина Ульянов кўчасидаги 24-уй қаршисида тўхтади. Орқа ўриндиқдаги М. Саидакбаров ҳайдовчининг қопқоғига пичоқни тираб:

«Қани, пулларни чиқари!»— деб буюрди. Курагига тиг қадалиб, ботай деб турганида, Абдуллаевнинг кўзига болалари кўриниб кетди. «Ҳозир, ҳозир»,— деб Абдуллаев қалтирай-қалтирай чўнтагидаги бор пулни босқинчилар қўлига тошширди. Нуритдин Шаробхўжаев машинадан тушиб, ҳайдовчининг орқа ўриндиқига ўтказди. Ўзи эса рулни бошқариб, Пушкин кўчаси томон ҳайдади.

Бу воқеадан воқиф бўлиб турган яқин хонадондагилардан бири ИИБга кўнғироқ қилган эди.

Шундай қилиб Нуритдиннинг иши терговга оширилди. Унинг шериги Маҳмадсоли эса очикда, қочиб пусиб юрарди...

Орадан роса 4 ой ўтди. Соат 18 лар эди. ИИБ навбатчилик қисмига қўллари боғланган бир йигитни олиб келишди. Бунга қарангки, бу ўша терговдан яшириниб юрган қароқчи ва олиб қочар Маҳмадсоли Саидакбаров

бўлиб, унга бу сафар «омад» кулиб боқмабди.

М. Саидакбаров сил касаллиги шифохонасида даволанарди. Кимдир уни йўқлаб келганлигини айтишди. Хиёл ўтмай хонага Ф. Жумаева кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиришганда, дўсти Анвар ҳам бир қиз билан кириб келди.

— Ҳўш, оғайни, ҳадеб ётаверасанми, кетдик айлангани?— деди дўсти.

— Бўлмасамчи,— деди Маҳмадсоли.

Тезда кийиниб чиқдида, тўртовлон таксига ўтиришиб, шаҳар бўйлаб айланишди. Сўнгра ундан тушгач, йизиллаб келаётган «ГАЗ-24» автомашинасига қўл кўтаришганди, тўхтади.

— «Софийский» гача,— деди улардан бири.

Ҳайдовчи «хўп» ишорасини қилди.

Вулканизация олдида ўтаётганда, «шу ерда тўхтанг»,— дейишди. Рулдаги Эшонхўжаев илтимосни бажо келтиргани ҳамон «шиқ» этган товуш чиқди. Ўзини ўнглашга улгурмаган ҳайдовчига пичоқ қадалди.

— Қани, пулни чўзи!— дадага қилди М. Саидакбаров.

— Ҳўп бўлади!

Эшонхўжаев ёнини ковлаб, 47 сўмни пичоқ тираганга узатди. Босқинчи пулни санаш билан оворалигидан фойдаланган жабрдийда эшикдан ўзини ерга отди. Ўридан тура солиб: «Ёрдам беринглар, ёрдам беринглар»,— дея бақириб қоча бошлади.

Кутилмаган бу шовқин-сурондан қўрқиб кетган босқинчилар ҳам бошқа томонга қараб тум-тарақай қочиб қолишди. Аммо инсофли, виждонли одамлар ҳам бор экан. Уларнинг ёрдамида текинхўр, тайёрга айёр, олиб қочар ва босқинчи Маҳмадсоли Саидакбаров ушланиб, ИИБга келтирилди.

УЧРАШУВ

— Қўшни камерага янгиси келди,— деди маҳбуслардан бири.

— Қаердан экан?
— Тошкентдан,
— Моддаси?
— 127нинг, 11-қисми.
— Исм-шарифичи?
— Билмадим...

Камерадаги маҳбусларни бирин-кетин чиқариб, машиналарга ўтказиш бошлашди. Буларни соқчилар судга олиб боришади.

Бугун Нуритдинни суд қилишади.

— Маҳмадсоли зап қутилиб кетдида,— ўйлади Нуритдин.

Лекин машина камераси туйнугидан таниш чехра ўтиб, бошқа камерага ўтирди.

— Маҳмадсоли?— деди Нуритдин.

— Нуритдин?!— дея жавоб қилди Маҳмадсоли.

— Жим бўлинг!— буюрди соқчи.

— Э, начальник, ахир, у дўстимку...

— Э, командир, дўстимни олдимга ўтказинглар...

— Жим бўлишасанми, йўқми?!

ҲУКМ

Бугун ҳукм ўқиладиган кун.

— Суд келди, ўрнингиздан туринг!

Ҳамма бирдек ўрнидан турди.

— Ўтиринглари!— деди судга раислик қилувчи Р. Раимов.

Ҳукм ўқиб эшиттирилди:

...Саидакбаров Маҳмадсоли . Мухамедович, 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти 8 синф, бўйдоқ. 1 июнь 1986 йилда Собир Раҳимов тумани халқ суди томонидан ЎзССЖ ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган...

...Озодликка чиққач, яна босқинчилик содир қилгани учун ЎзССЖ ЖМ 127-моддасининг 2-қисмига асосланиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин. Шахсий мол-мулки мусодара қилиниб, жазо муддати қаттиқ режимдаги меҳнат-тарбиялаш колонияларда ўталсин...

...Шаробхўжаев Нуритдин Ваҳобович, 1965 йилда туғилган, маълумоти 11 синф, бўйдоқ... 28 август 1984 йилда у жинояти учун Тошкент шаҳар Ленин тумани халқ суди ҳукми билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилган.

...Юқорида қайд этилган жинояти учун ЎзССЖ ЖМнинг 127-моддаси 2-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССРДА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИДОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ.

УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Давлат хавфсизлиги идораларининг вазифалари

Давлат хавфсизлиги идоралари ўз ҳуқуқлари доирасида ССР Иттифоқи ва республикалар давлат хавфсизлигини таъминлайди ҳамда шу мақсадда ҳорижий давлатлар ва чет эл ташкилотлари махсус хизмат маҳкамаларининг ССР Иттифоқи ва республикаларга қарши разведка-қўпуровчилик фаолиятига қарши курашади. ССР Иттифоқи ва республикаларнинг конституциявий тузумини қонунга ҳилоф тажовузлардан асрайди, давлатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, унинг иқтисодий, илмий-техникавий ва муҳофаа салоҳиятини ҳимоя қилади.

2-модда. Давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари

Давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагича:

1) ССР Иттифоқи билан республикалар давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги разведка ишлари;

2) ССР Иттифоқи билан республикаларни ҳорижий давлатлар ва чет эл ташкилотлари махсус хизмат маҳкамаларининг разведка-қўпуровчилик фаолиятидан ҳимоя қилишга доир контрразведка ишлари;

3) ССР Иттифоқи билан республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларини, бошқа давлат идораларини давлат хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий, муҳофаа қурилиши ва фан-техника тараққиёти, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият вазифаларини ҳал этиш учун зарур ахборот билан таъминлаш;

4) қонунда текшириш давлат хавфсизлиги идораларига берилган жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва пайини қирқиш; давлат хавфсизлиги манфаатларига даҳл қиладиган террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш;

5) СССР давлат сирлари сақланишини таъминлаш, алоқа махсус турлари ва шифр ишлари хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш;

6) СССР давлат чегарасини ва иқтисодий зонасини қўриқлаш; СССР қитъа шельфига қўриқлашга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

7) мамлакат ва СССР Қуролли Кучларини бошқариш пунктлари уруш вақтида ишлашга тайёр туришини ва ишлашини таъминлаш;

8) вазирликлар, давлат комитетлари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек ўз ҳуқуқи доирасида мазкур соҳада улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу фаолият устидан назорат қилишни таъминлашда методик ва ташкилий-техникавий ёрдам кўрсатиш.

3-модда. Давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг асосий қондалари

Давлат хавфсизлиги идораларининг фаолияти қонунийлик, барчанинг қонун олдидаги тенглиги, шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини, инсонпарварлик ва байналмилалликни ҳурмат қилиш қондалари асосида қурилади.

4-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш қафолати

Давлат хавфсизлиги идоралари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади. ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиши чеклаб қўйилиши мумкин.

Давлат хавфсизлиги идоралари фуқаро талабига кўра унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланганлиги муносабати билан тушунтириш беришга мажбурдир. Фуқаронинг талабига кўра бундай тушунтириш ёзма шаклда берилди.

Давлат хавфсизлиги идоралари фуқаролар яширин асосда уларга ёрдам бергани тўғрисидаги маълумотларни ошкор этилишидан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Давлат хавфсизлиги идоралари ва ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан давлат бошқаруви идораларининг ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситадиган қонунга ҳилоф ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисидаги қонунга мувофиқ давлат хавфсизлиги комитетининг юқори идораларига ва судга шикоят қилиш мумкин.

Давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари хизмат вазифасини бажариш чоғида фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини бузган тақдирда давлат хавфсизлигининг тегишли идораси шу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

5-модда. Давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятида ошкоралик

Давлат хавфсизлиги идоралари давлат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан давлат идоралари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларига ахборот беради.

Қонунга мувофиқ давлат хизмат ва тижорат сир бўлган маълумотлар ошкор қилинмаслиги керак. Шунингдек бу давлат хавфсизлиги идоралари фаолияти жараёнида уларга маълум бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, ор-номуси ва обрў-этиборига даҳлдор маълумотлар ҳам ошкор қилинмаслиги керак, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

6-модда. Давлат хавфсизлигини таъминлашда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар иштироки

Давлат хавфсизлиги идоралари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда бажарадилар.

Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари давлат хавфсизлиги идораларига давлат хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашишга мажбурдирлар.

СССР фуқаролари давлат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашадилар.

7-модда. Давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси

СССР Конституцияси, республикаларнинг конституциялари, мазкур қонун ва ССР Иттифоқи билан республикаларнинг бошқа қонун ҳужжатлари, СССР Президентининг ҳужжатлари, СССР Вазирлар маҳкамаси ва республикалар ҳукуматларининг

қарорлари, фармойишлари, шунингдек ана шу қарорлар ва фармойишларга мувофиқ СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан республикалар давлат хавфсизлик идораларининг чиқарадиган ҳужжатлари давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

II БЎЛИМ. СССРДА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИДОРАЛАРИ

8-модда. СССРда давлат хавфсизлиги идоралари тизими

СССР Давлат хавфсизлиги комитети, республикалар давлат хавфсизлиги идоралари ва уларга тобе идоралар мамлакат давлат хавфсизлиги идораларининг ягона тизимини ташкил этади.

9-модда. СССР Давлат хавфсизлиги комитети

СССР Давлат хавфсизлиги комитети — СССР давлат бошқарувининг иттифоқ-республика марказий идораси бўлиб, ўз ҳуқуқлари доирасида давлат хавфсизлиги соҳасига раҳбарлик қилади, давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бевосита иш олиб боради ва СССР давлат хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгардир.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети республикалар давлат хавфсизлиги идораларининг СССР Давлат хавфсизлиги комитети ихтиёрига берилган ва уларнинг ҳар иккиси ихтиёрида бўлган масалаларни ҳал этиш ишларини йўналтириб туради, мувофиқлаштиради ва назорат қилади; мазкур масалалар юзасидан давлат хавфсизлиги идоралари тизимида бажарилиши шарт бўлган буйруқлар, йўриқномалар чиқаради ҳамда кўрсатмалар беради.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетига; чегара қўшинлари, ҳукумат алоқа қўшинлари, ССР Иттифоқи қонуни ҳамда ушбу қонунга мувофиқ тузиладиган ва фойдаланиладиган инженерлик-қурилиш қўшинлари ва қўшинларнинг махсус қисмлари (СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинлари); СССР Қуролли Кучларини, СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларини контрразведка ишлари билан таъминлаш учун у тузадиган давлат хавфсизлиги идоралари ҳамда ССР Иттифоқи қонунда назарда тутилган бошқа ҳарбий бўлинмалари (ҳарбий контрразведка идоралари) бевосита бўйсунди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетига раис бошчилик қилади. Комитет раисини СССР Президенти федерация кенгаши фикрини ҳисобга олиб ва СССР Олий Кенгаши билан келишган ҳолда шу лавозимга тайинлайди ва озод қилади. СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг тақдимида мувофиқ СССР Вазирлар маҳкамаси томонидан шу лавозимга тайинланадилар ва бўшатиладилар.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси СССР Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетиде ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркибига республикалар давлат хавфсизлиги идораларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ қирадилар.

10-модда. Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари

Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари — давлат бошқарувининг иттифоқ-республика идоралари тегишли республика ҳудудида давлат хавфсизлиги соҳасига раҳбарлик қилади, давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятининг асосий йўналишларида бевосита иш олиб боради ва ўз ҳуқуқи доирасида республика ҳамда ССР Иттифоқи давлат хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгардир.

Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари ўз ваколатлари доирасида унга бўйсунадиган ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятини йўналтиради, мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Республикалар давлат хавфсизлиги идораларига тегишли республикаларнинг олий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан келишиб тайинладиган ва озод қиладиган мансабдор шахслар бошчилик қилади. Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари раҳбарларининг ўринбосарлари тегишли республикалар ҳукуматлари томонидан СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан келишиб, лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар.

11-модда. Давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари

Давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилар (давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари)дан иборатдир.

Давлат хавфсизлиги идоралари ҳарбий хизматчиларининг миқдорини СССР Президенти белгилайди.

Давлат хавфсизлиги идораларида ҳарбий хизмат ўтаётган кишилар СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳарбий хизматчилари ҳисобланади.

Давлат хавфсизлиги идораларига ўз шахсий, маънавий ва амалий фазилатлари, маълумоти ва соғлиғига кўра давлат хавфсизлиги идоралари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир СССР фуқаролари кўнгилли асосда хизматга қабул қилинадилар.

СССР фуқаролари СССР давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинларига ҳақиқий ҳарбий хизматга умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунга мувофиқ қақриладилар.

Давлат хавфсизлиги идораларининг ҳарбий хизматчилари СССР Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тегишли тоифаларига алоқадор ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қоидага, ҳарбий уставлар ва ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳарбий хизматни ўтайдилар. Улар, агар бошқаси қонунда назарда тутилмаган бўлса, СССР Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари учун кўзда тутилган ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадилар.

Вазирликларда, давлат комитетларида, идораларда, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда, шунингдек бошқа ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари идораларида давлат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун уларнинг розилиги билан СССР Вазирлар маҳкамаси белгилаб берган тартибда юқори-

да кўрсатилган идоралар ва ташкилотларнинг штатларидаги мансабда ишлашга уларни ҳақиқий ҳарбий хизматда қолдирган ҳолда давлат хавфсизлиги идораларининг ҳарбий хизматчилари юборилиши мумкин.

СССР давлат хавфсизлиги идораларининг ҳамда давлат хавфсизлиги комитетининг ушбу идоралар ва қўшинларда ҳақиқий ҳарбий хизматдан запасга бўшатишган ҳарбий хизматчилари ССР Иттифоқи қонунига мувофиқ СССР Давлат хавфсизлиги комитети запасига ёки СССР Қуролли Кучлари запасига ўтказиладилар.

Давлат хавфсизлиги идоралари ишчи ва хизматчиларининг меҳнат фаолияти ССР Иттифоқи ва республикаларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлари билан тартибга солинади.

Давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари ўз хизмат фаолиятида қонун талабларига амал қиладилар ва сиёсий партиялар ҳамда оммавий жамоат ҳаракатларининг сиёсий мақсадларини кўзловчи қарорларига боғлиқ эмаслар.

12-модда. Давлат хавфсизлиги идораларини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш

СССР давлат хавфсизлиги идоралари Иттифоқ бюджети маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети, жумладан унга тобе бўлган ҳарбий контрразведка идоралари ва қўшинлар марказлаштирилган ресурслар ҳисобига моддий-техникавий жиҳатдан таъминланади.

Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари ССР Иттифоқи ва республикалар белгиланган тартибда моддий-техникавий жиҳатдан таъминланадилар.

Давлат хавфсизлиги идораларининг ССР Иттифоқи бюджети ёки бошқа маблағлари ҳисобидан барпо этилган ва сотиб олинган мулк (шу жумладан бинолар, иншоотлар, корхоналар, ускуналар) умумиттифоқ мулкига қиради.

Мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар ва давлат ахтиёжлари учун мақсулот ясаш, етказиб бериш ва ижтимоий иншоотлар қуриш учун томонлардан бири сифатида СССР Давлат хавфсизлиги комитети марказий бошқарув аппарати томонидан шартномалар тузиш, уларни ўзгартириш, бекор қилиш ва ижро этиш чоғида вужудга келган ҳўжалик низоларини олий ҳакамлик суди ҳал қилади.

III БЎЛИМ. ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИДОРАЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

13-модда. Давлат хавфсизлиги идораларининг вазифалари ҳамда СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан республикалар давлат хавфсизлиги идоралари ўртасида бу вазифаларни фарқлаб қўйиш

1. СССР Давлат хавфсизлиги комитети:

1) давлат хавфсизлиги идоралари зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда шу идораларнинг ўзaro келишиб ҳаракат қилишни таъминлайди, фаолиятининг асосий йўналишларида уларнинг ишлари натижаларини ўрганади ҳамда уларнинг ишларини ташкил этиш юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқади;

(Давоми 4-, 5-бетларда)

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг СССРда ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИДОРАЛА

(Давоми. Боши 3-бетда).

2) давлат хавфсизлиги идоралари разведка фаолиятининг энг муҳим асосларини белгилаб беради ва бу фаолиятни ташкил этади; бевосита разведка фаолиятини амалга оширади;

3) давлат хавфсизлиги идораларининг контрразведка фаолиятини энг муҳим асосларини белгилаб беради ва бу фаолиятни ташкил этади; контрразведка фаолиятини бевосита амалга оширади;

4) республикалар давлат хавфсизлиги идораларининг СССР давлат сирларини сақлаш соҳасидаги фаолиятининг умумий асосларини белгилаб беради; СССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ равишда иттифоққа бўйсунувчи корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга тижорат сирларини сақлашда кўмаклашади;

5) давлат хавфсизлиги идораларининг давлат хавфсизлиги манфаатларига дахл қиладиган терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга доир фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, бу соҳада давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятини мувофиқлаштиради; терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашни бевосита амалга оширади;

6) СССР Қуролли Кучларида, СССР Ички ишлар вазирлигида ҳамда унга бўйсунувчи ички қўшинларда, СССР Иттифоқи қонунларида кўзда тутилган ўзга ҳарбий тузилмаларда давлат хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

7) қонунга мувофиқ тергов қилиш давлат хавфсизлиги идоралари ихтиёрига берилган жиноятларга доир ишлар юзасидан текшириш ва дастлабки терговни амалга оширади; ана шундай жиноят қилишда шубҳа остига олинган шахсларни қидиради; бундай жиноят содир этган шахсларни ҳисобга олиб боради;

8) алоқанинг махсус турлари (ҳукумат алоқаси, шифрли, махфий алоқаси), шифрлаш ва уни аниқлаш ишларини ташкил этади, бу алоқалардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайди;

9) қуруқликда, денгизда, дарёларда, кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегараларини, СССРнинг иқтисодий зоналарини қўриқлашни ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, СССР Иттифоқи қонунига мувофиқ СССР қитъа шельфини қўриқлашга кўмаклашади;

10) СССР Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларига мувофиқ СССР Иттифоқи олий лавозимларидаги шахсларни, СССРга келган вақтида хорижий давлат ва жамоат арбобларини, шунингдек ички ишлар идоралари билан биргаликда чет давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари, консуллик ваколатхоналари ҳамда СССР Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ҳузурида жойлашган чет давлатларнинг бошқа муассасаларини қўриқлайди;

11) СССР Иттифоқининг чет мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари, консуллик ва бошқа муассасалари ҳамда чет элга борган СССР фуқаролари хавфсиз-

лигини таъминлаш чораларини кўради.

12) разведка, контрразведка, чегара хизмати, давлат хавфсизлиги идоралари оператив-хизмат фаолиятининг бошқа турлари соҳаси мутахассисларини тайёрлашни таъминлайди;

13) давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат ўтказиш чораларини ишлаб чиқишда қатнашади, давлат хавфсизлиги идоралари манфаатлари йўлида махсус техника яратди ва тайёрлайди;

14) СССР Иттифоқи қонунлари асосида ва шу қонунларда белгилаб қўйилган тартибда давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишда ўзига бўйсунадиган қўшинлардан фойдаланади. Бундай ҳолларда қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари ушбу қонуннинг 14-моддаси 6—9-бандларида ва 15-моддада давлат хавфсизлиги идоралари ҳарбий хизматчиларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар;

15) СССР Иттифоқи ва республикаларнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб чет давлатларнинг махсус хизматлари билан алоқа ўрнатади ва баҳамжиҳат ҳаракат қилади;

16) ушбу қонун ва СССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада давлат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан вазирликлар, давлат комитетлари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг идоралари ижро этиши мажбурий бўлган ҳужжатларни чиқаради ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиб боради;

17) давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг идоралари сўровига биноан шахсларнинг чет элга чиқиши муносабати билан ва СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаси муносабати билан уларнинг давлат сир бўлган маълумотлардан хабардорлиги тўғрисида ахборотнома тақдим этади;

18) мамлакатни ва СССР Қуролли Кучларини бошқариш пунктлари уруш вақтида тайёрлигини ва уруш вақтида ишлашини таъминлашга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, давлат хавфсизлиги идораларининг сафарбарликка тайёрлигини ташкил этади ва таъминлайди.

II. СССР Давлат хавфсизлиги комитети ва республикаларнинг давлат хавфсизлиги идоралари биргаликдаги ваколатларига доир масалалар юзасидан:

1) СССР Иттифоқи ва республикаларнинг конституциявий тузумини ғайриқонуний ҳуружлардан ҳимоя қилишни таъминлайди;

2) СССР Иттифоқи ва республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг давлат хавфсизлиги манфаатларига дахлли масалалар юзасидан мунтазам хабардор қилиб турадилар; СССР Иттифоқи ва республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларини, бошқа давлат идораларини давлат хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий, муҳофаа қурилиши ва фан-техника тараққиёти, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш учун зарур маълумотлар билан таъминлаш

мақсадида ахборот-аналитик ишларни амалга оширади; давлат хавфсизлиги манфаатларига дахл қилувчи ижтимоий жараёнлар ва муаммоларни тадқиқ ва тахмин этади;

3) Иттифоққа бўйсунувчи иншоотларда СССР давлат сирларини сақлаш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

4) алоқанинг махсус турлари (ҳукумат алоқаси, шифрли, махфий алоқалар)дан фойдаланишни амалга оширади ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайди;

5) СССР Иттифоқи қонунларида белгилаб қўйилган СССРга келиш, СССРдан четга кетиш ҳамда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган фуқароларнинг СССР ҳудудида бўлиши тартибини таъминлашда бошқа давлат идоралари билан бирга қатнашади.

6) муҳофаа саноати, атом энергетикаси, транспорт ва алоқа иншоотларида, иттифоққа бўйсунувчи бошқа иншоотларда, ички ишлар идораларида давлат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

7) бошқа давлат идоралари билан биргаликда махсус ва оммавий ҳарбий юкларни ташини ҳамда махсус алоқа линиялари хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

8) Оммавий умумиттифоқ давлат ва ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш чоғида давлат хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга оширади;

9) СССР Иттифоқи ва республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорига биноан ички ишлар идоралари билан биргаликда фуқароларни ҳимоя қилишда, аҳоли ҳаёт таъминоти билан боғлиқ иншоотларни, муҳим халқ ҳўжалиги иншоотлари ва ҳарбий иншоотларни қўриқлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг бинолари, бошқа маъмурий биноларни қўриқлашда ва хавфсизлигини таъминлашда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклашда, оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро можароларни тўхтатишда иштирок этади;

10) фавқулодда ҳолат шартларида СССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгилаб қўйилган доирада вазиятни нормallasштириш тадбирларида қатнашади;

11) атом энергетикаси иншоотларида, нефть-газ маҳсулотлари қуруларида, транспортда, саноатнинг муҳофаа тармоқлари иншоотларида ва бошқа муҳим халқ ҳўжалиги иншоотларида катта аварияларнинг, фалокатларнинг ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини амалга оширишда, табиий офат, эпидемиялар, эпизоотиялар, экология фалокатлари ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини тўхтатишда қатнашади;

12) мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир умумдавлат чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, СССР давлат сирларини сақлашга, СССРга келиш ва СССРдан чиқиш кетиш, чегара режими, божхона қоидалари, қу-

рол-яроғ ва ўқ-дориларни сотиб олиш ва сақлаш тартибига тааллуқли масалаларни ҳал этишда қатнашади;

13) давлат хавфсизлиги идораларининг моддий-техникавий базасини ривожлантириш режаларини тузади ва амалга оширади;

14) давлат хавфсизлиги идоралари ходимлари билан ишлаш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; ўз хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

III. Республикалар давлат хавфсизлиги идоралари:

1) республикалар ва ССР Иттифоқи манфаатлари йўлида разведка ва контрразведка фаолиятини амалга оширади; давлат хавфсизлиги манфаатларига дахл қиладиган терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб боради;

2) қонунда тергов қилиш давлат хавфсизлиги идоралари ихтиёрига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан текшириш ва дастлабки тергов ўтказиш; ана шундай жиноят содир этган ёки содир этишда шубҳаланган шахсларни қидиради; бундай жиноятларни содир этган шахсларни ҳисобга олиб боради;

3) республикаларнинг халқ ҳўжалиги иншоотларида ва бошқа иншоотларда давлат хавфсизлигини таъминлайди;

4) республика давлат оммавий ва ижтимоий-сиёсий тадбирларини ўтказиш чоғида давлат хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга оширади;

5) республикаларнинг халқ ҳўжалиги иншоотларида ва бошқа иншоотларида давлат сирини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади; СССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларига мувофиқ тижорат сирларини сақлашда тегишли республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига кўмаклашади;

6) республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларига мувофиқ равишда улардаги олий даражадаги давлат мансабдор шахсларини, республикаларга келган пайтида хорижий давлат ва жамоат арбобларини, шунингдек ички ишлар идоралари билан биргаликда чет давлатларнинг республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ҳузурида жойлашган консулхоналарини ва бошқа муассасаларини қўриқлайди;

7) СССР давлат чегараси ва иқтисодий зоналарини қўриқлашда СССР Давлат хавфсизлиги комитети чегара қўшинларига ёрдам беради;

8) давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари идораларининг сўровларига биноан одамларнинг чет элга чиқиши ва СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаси муносабати билан уларнинг давлат сирини ташкил этадиган маълумотлардан хабардорлиги ёки хабардор эмаслиги ҳақида ахборот тақдим этади;

9) уруш вақтида давлат хавфсизлиги идоралари сафарбарлиги тадбирларини таъминлашда қатнашади.

Республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идоралари томонидан тегиш-

ли республика давлат хавфсизлиги идораларига давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ушбу қонунга зид келмайдиган бошқа вазифалар юклатилиши мумкин.

14-модда. Давлат хавфсизлиги идораларининг ҳуқуқлари

Давлат хавфсизлиги идоралари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

1) белгиланган тартибда, шу жумладан техника воситаларидан фойдаланиб, қонунга биноан тергов қилиш, давлат хавфсизлиги идоралари ихтиёрига берилган жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, чек қўйиш ва очиқ ташлаш мақсадида ошқора ва яширин оператив-қидирув тадбирларини амалга оширади; олинган маълумотлардан қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда фойдаланади;

2) давлат хавфсизлиги идоралари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун фуқароларнинг розилиги билан ошқора ва яширин асосда уларнинг ёрдамидан фойдаланади, шу жумладан фуқароларни ихтиёрийлик асосида давлат хавфсизлиги идораларининг штатдан ташқари ходимлари сифатида жалб этади;

3) фақат чет давлатлар ва хорижий ташкилотлар махсус хизматларининг СССР Иттифоқи ва республикаларга қарши разведка-кўпурувчилик фаолиятига, СССР Иттифоқи ва республикаларнинг конституциявий тузумига ғайриқонуний тажовуз қилишга чек қўйиш мақсадида кейинчалик прокурорни хабардор қилиб, почта жўнатмаларини назорат қилади ҳамда айрим шахсларнинг телефонлар ва бошқа гаплашиш қурилмаларидан фойдаланиб олиб борган суҳбатларини эшитишда, шунингдек қонунга биноан тергов қилиш давлат хавфсизлиги идораларига топширилган жиноятлар содир этилиши ёки тайёрланишини кўрсатувчи етарли маълумотлар мавжуд бўлса, қўриқлаш чоралар натижасида жиноий ишга доир далил-исбот бўлиши мумкин бўлган маълумотлар олиншига асос бўлса, ана шу шахслар фойдаланаётган алоқа техника каналларидан маълумот олади;

4) ички ишлар идоралари билан биргаликда жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фож этиш учун оператив-қидирув тадбирларини амалга оширади;

5) ички ишлар идоралари билан келишиб, давлат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ўтказиш учун ана шу идораларнинг кучлари ва воситаларини жалб этади;

6) қонун билан тергов қилиш давлат хавфсизлиги идораларига топширилган жиноятларни содир этишда асосли равишда шубҳа қилинган тақдирда ёки шундай жиноятларни содир этган тақдирда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек бажарилишини назорат қилиш СССР Давлат хавфсизлиги идоралари зиммасига юклатилган қоидаларга риоя этилишини текшириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни текширади;

7) хизмат мақсадларида корхоналар, муассасалар, ташкилотларга қарашли ало-

қа воситаларидан, кечриб бўлмайдиган ҳолда, фуқароларга қаралоқа воситаларидан тўлиқсиз фойдаланади;

8) кечиктириш бўлмаган ҳолларда жиноятнинг олдини олиш, ноят содир этган ёки ят содир этишда шубҳан шахсларни таъқиб ва ушлаш, шошилинч тўғрдамга муҳтож фуқаронини даволаш муассасали келтириш учун, шунинг ҳодиса юз берган жойга табиий офат юз берганга бориш учун корхон муассасалар, ташкилот жамоат бирлашмалари фуқароларга қарашли тўғр воситаларидан (дматия ваколатхоналари, давлатларнинг, хал ташкилотларнинг консулалари ва бошқа муассасари транспорт воситалари ташқари) фойдала Транспорт воситалари эрининг талабига биноан лат хавфсизлиги идор бунинг натижасида ўқ етказган зарарни қон белгиланган тартибда тдилар;

9) тергов қилиш қон биноан давлат хавфсиз идораларига юклатилган жиноятларга бевосита чек йиш, бундай жиноят содир этишда шубҳа қган шахсларни таъқиб чоғида ҳамда давлат сизлигига таҳдид қи фавқулодда вазият пай куннинг исталган пай фуқароларнинг уйлари: уларга қарашли бошқа ларга, корхоналар, муас лар ва ташкилотлар ҳу, га ва биноларга ҳеч қи тўққинликсиз кирадила; кўздан кечиридилар, ней лик қилинган бу ҳарак: тўғрисида бир кеча-к: муддатда прокурорга ма қиладилар;

10) СССР Иттифоқи д ҳокимияти олий идора нинг қарорига биноан тисодиёт соҳасидаги жи ларни аниқлаш тадбир ни амалга оширадилар; дай ҳолларда «Совет: цияси тўғрисида»ги (қонун 12-моддасининг бандида милиция ходим га берилган ҳуқуқл фойдаланадилар;

11) тергов қилиш қо биноан Давлат хавфси идораларига топшир жиноятларнинг олдини дилар. Қонунда кўзд: тилган ҳолларда фу ларни ғайриқонуний ракатларни содир э: йўл қўйиб бўлмаслиги рисида огоҳлантирад кейинчалик бу ҳақда п рорни хабардор қилиб дилар;

12) эҳтиёт чораси си да қамқоқда сақлашга қилинган шахсларни лат хавфсизлиги идор жиноятни содир этишда ҳа қилиб ушлаган шах ни, айрим ҳолларда эса курорнинг рухсати (Ички ишлар идоралари, курорлар ва судлар то дан ушланган ва қал олинган шахсларни, шу дек қонунда кўзда тут: ҳолларда жазолаш ҳ: ҳукм чиқарилган шахс: қонунда белгиланган та да сақлаш учун ўз қам налари ва бошқа бино эга бўлади;

нинг Қонуни

ЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ридан, кечиктирилган ҳолларда ярага қарашли ларидан тўқин-алавади;

ириш мумкин лларда жиноят-ини олиш, жи-этган ёки жино-ишда шубҳалан-ни таъқиб этиш ошилинч тиббий (тож фуқаролар-муассасаларига тун, шунингдек ерган жойга ёки юз берган жой-чун корхоналар, ташкилотлар, лашмалари ёки қарашли транс-ларидан (дипло-латхоналари, чет-нг, халқаро-нинг консулхо-шқа муассасала-т воситаларидан-фойдаланади. оситалари эгала-бига биноан Дав-лиги идоралари-жасида ўзлари-арни қонунда-тартибда тўлай-

қилиш қонунга-ат хавфсизлиги-юклатилган жи-евосита чек қў-йи жиноятларни-да шубҳа қилин-ни таъқиб этиш-да давлат хавф-гаҳид қилувчи-вазир пайтида-алган пайтида-инг уйлари ва-шли бошқа жино-налар, муассаса-илотлар ҳудуди-арга ҳеч қандай-з кирадилар ва-адиладар, кейин-ан бу ҳаракатлар-ар кеча-кундуз-окурорга маълум

Иттифоқи давлат-олий идоралари-га биноан иқ-қасидаги жиноят-лаш тадбирлари-шпирадилар; бун-да «Совет милли-сида»ги СССР-тоддасининг 19-инция ходимлари-ан ҳуқуқлардан-илар;

в қилиш қонунга-лат хавфсизлиги-топширилган-инг олдини ола-унда кўзда тў-лларда фуқаро-риқонуний ҳа-содир этишга-бўлмаслиги тў-гоҳлантирадилар, бу ҳақда проку-рдор қилиб қўя-

т чораси сифати-сақлашга қарор-ҳсларни ва Дав-лиги идоралари-идир этишда шуб-слаган шахслар-олларда эса про-рухсати билан-идоралари, про-судлар томони-н ва қамоққа-ҳсларни, шунинг-к кўзда тутилган-азолаш ҳақида-илган шахсларни-илган тартиб-учун ўз қамоқхо-бошқа биноларга

13) ваколатлари доираси-да СССР давлат сирлари-сақланишини таъминлашни, алоқанинг махсус турлари-ва шифрлаш ишлари хавф-сизлигини таъминлашни таш-кил этади ҳамда вазирлик-ларда, давлат комитетлари-да, идораларда, корхоналар-да, муассасаларда ва ташки-лотларда, жамоат бирлашма-лари идораларида, СССР Қуролли Кучларида, СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларида ҳамда ССР Ит-тифоқи қонунларида кўзда-тутилган ҳарбий тузилмалар-да давлат хавфсизлигига до-ир бошқа масалалар ҳал қи-линишини назорат қилади-лар; давлат хавфсизлиги манфаатларига даҳл қилув-чи аниқланган камчиликлар-ни бартараф этиш тўғриси-да тақдимнома киритадилар, тегишли чоралар қўришни ва ижро этилгани ҳақида Дав-лат хавфсизлиги идоралари-ни хабардор қилишни талаб қиладилар;

14) СССР ҳудудида эшит-тиришларни узатадиган ва маълумотлари рўйхатга-олинмаган ёки белгиланган-қондалар бузилган ҳолда ра-диоэлектрон воситалардан-фойдаланишни, шунингдек-давлат сир бўлган, белги-лаб қўйилган талабларни бу-зиб бажариладиган ахборот-лар билан ишлашни тақиқ-лаб қўядилар;

15) давлат хавфсизлигини-таъминлашга доир вазифа-ларни бажариш учун зарур-бўлган маълумотларни ва-зирликлар, давлат комитетла-ри, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар-ҳамда жамоат бирлашмала-ри идораларидан белгилан-ган тартибда сўраб оладилар;

16) давлат хавфсизлиги-идоралари фаолиятига таал-луқли бўлган оператив, тер-гов материаллари ва бошқа-материалларни давлат йўли-билан сақлашни амалга оши-радилар ҳамда ССР Иттифо-қи ва республикалар қону-ларига мувофиқ уларни ҳи-собга олиш, сақлаш ва фой-даланиш тартибини белги-лайдилар; ахборот система-сини вужудга келтирадилар.

15-модда. Давлат хавф-сизлиги идоралари ҳарбий-хизматчиларнинг қурол-яроғлар ва махсус восита-ларни қўлланиш ҳамда улар-дан фойдаланиш ҳуқуқи

I. Давлат хавфсизлиги-идоралари ҳарбий хизматчи-лари қурол-яроғларни ва махсус воситаларни олиб-юриш, сақлаш, қўлланиш ва-фойдаланиш ҳуқуқига эга-дилар.

II. Давлат хавфсизлиги-идоралари ҳарбий хизматчи-лари сўнгги чора оғиратида-қўйидаги ҳолларда қуролни-ишлатишга ҳақлиқлар:

1) фуқароларни уларнинг-ҳаёти ёки сўхат-саломатлиги-га хавф солувчи ҳужумдан-ҳимоя қилиш, шунингдек-гаровга ушланганларни озод-қилиш учун;

2) қўриқлаш давлат хавф-сизлиги идоралари ҳарбий-хизматчиларига топширилган-шахсларга қилинган ҳужум-ни қайтариш учун қўриқла-нувчиларнинг ҳаёти ва сало-матлигига хавф туғилган-пайтда;

3) давлат хавфсизлиги-идоралари томонидан қўриқ-ланаётган бинолар, иморат-лар, иншоотлар ва транспорт

воситаларига кўпчилик бў-либ ёки қуролли ҳужумни-қайтариш учун;

4) давлат хавфсизлиги-идораларининг ҳарбий хиз-матчиларига, шу идоралар-давлат хавфсизлигини таъ-минлаш тадбирларини амал-га оширишга жалб этган-шахсларга кўпчилик бўлиб-ёки қуролли ҳужумни, шу-нингдек уларнинг ҳаёти ёки-саломатлигига хавф пайдо-бўлган пайтда ўзга ҳужум-ларни қайтариш учун;

5) қуролли қаршилик кўр-сатган ёки оғир жиноят қи-лиш чоғида устидан чиқиб-қолинган шахсни ёки қўриқ-лаб турилган жойдан қочаёт-ган жиноятчини, шунингдек-қуролни топшириш тўғриси-даги қонуний талабни бажар-ишдан бош тортган қуролли-шахсни қўлга олиш учун.

Қуролни қўлланишдан ол-дин бу ҳақда огоҳлантирили-ши лозим.

Тўсатдан ёки қуролли ҳу-жум қилинганда жанговар-техникадан, транспорт восита-ларидан, учини аппаратлари-дан, деңгиз ва дарё кемалар-дан фойдаланиб ҳужум қи-линган пайтда, қурол билан-ёки транспорт воситаларидан-фойдаланиб қамоқдан қоч-ганда, қамоқдаги шахслар-ҳаракат пайтида транспорт-воситаларидан фойдаланиб-қочган пайтда, шунингдек-гаровга ушланган кишиларни-озод қилиш учун огоҳлан-тирмай қурол ишлатиш мум-кин.

Аёллар ва балоғатга ет-маганларга нисбатан қурол-ишлатиш тақиқланади, улар-нинг қуролли ҳужум қилиш-ёки қурол билан қаршилик-кўрсатиш ёхуд ҳаётга хавф-солиб, гуруҳ бўлиб ҳужум-қилиш ҳоллари бундан мус-таснодир.

Давлат хавфсизлиги идора-ларининг ҳарбий хизматчила-ри қўйидаги ҳолларда қу-ролдан фойдаланишга ҳақ-лиқлар:

1) хавф-хатар ҳақида ха-бар қилиш ёки ёрдамга чақи-риш учун;

2) агар транспорт восита-сининг ҳайдовчиси фуқаро-ларнинг ҳаёти ёки саломат-лигига хавф туғдириб, дав-лат хавфсизлиги идоралари-ҳарбий хизматчиларининг-тўхташ тўғрисидаги талаби-га бўйсунмаса, транспорт-воситасига шикаст етказиш-йўли билан уни тўхтатиш-учун;

3) одамларнинг саломат-лиги ёки ҳаётига хавф сола-ётган ҳайвонларни зарарсиз-лантириш учун.

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ҳарбий хизматчиси-қурол ишлатилган ва ундан-фойдаланилган барча ҳол-ларда атрофдаги фуқаролар-хавфсизлигини таъминлаш,-жабрдийдаларга шонинч-тиббий ёрдам бериш, шу-нингдек уларнинг қариндош-уруғлари ёки қонуний вакил-ларини хабардор қилиш учун-мумкин бўлган барча чора-ларни қўришга мажбурдир.

Қурол ишлатилган ҳоллар-нинг ҳар бири тўғрисида ра-порт ёзилади ва дарҳол про-курорга хабар қилинади.

III. Давлат хавфсизлиги-идораларининг ҳарбий хиз-матчилари қўйидаги ҳоллар-да кишан, резина таёқ, кўз-дан ёш оқизувчи моддалар,-чалғитувчи таъсир кўрсата-диган нур-товуш қўрилмала-рини, биноларни очиш учун,-транспортни тўхташга маж-

бур қилиш учун қўрилмалар-ни, сувотар, бошқа махсус-воситаларни, курашнинг жан-говар усулларини қўлланиш-га, шунингдек зирҳли маши-налардан, ўзга транспорт-воситаларидан ва ўргатилган-итлардан фойдаланиш ҳуқу-қига эгадилар:

1) давлат хавфсизлиги-идораларининг ҳарбий хиз-матчиларига, шу идоралар-давлат хавфсизлигини таъ-минлаш тадбирларини амал-га ошириш учун жалб этган-бошқа шахсларга қилинган-ҳужумни қайтариш учун;

2) қўриқлаш топширилган-шахсларга ҳужумни қайта-риш учун;

3) оммавий тартибсизлик-ларга чек қўйиш учун;

4) давлат хавфсизлиги-идоралари томонидан, қўриқ-ланадиган биноларга, имо-ратларга, иншоотларга ва-транспорт воситаларига ҳу-жумни қайтариш, шунингдек-мазкур иншоотлар эгаллаб-олинган тақдирда уларни бў-шатиш учун;

5) давлат хавфсизлиги-идораларининг давлат хавф-сизлигини таъминлашга до-ир ўз хизмат бурчларини-бажарётган ҳарбий хизмат-чиларига бўйсунмаётган, қар-шилик кўрсатаётган ёки-атайлаб тўқинлик қилаётган-ҳуқуқбузарларни ушлаш-учун;

6) гаровга ушланганларни-қутқариш учун.

Тўсатдан қилинган ҳужум-ни қайтариш ва гаровга уш-лаб турилганларни озод қи-лиш ҳолларидан ташқари-махсус воситаларни қўлла-нишдан олдин бундай воси-таларни қўлланиш нияти-ҳақида огоҳлантирилиши, агар-вазират имкон берса, ҳуқуқ-бузарлик тўхтатилиши учун-етарли вақт берилиши керак.-Махсус воситанинг тури ва-ундан қанчалик тез фойдала-ниш-юз бераётган вазирати,-ҳуқуқбузарлик қандай тўсда-эканлигини ва ҳуқуқбузар-шахсни ҳисобга олиб аниқ-ланади. Махсус воситаларни-қўлланган пайтда фуқаро-ларнинг сиҳат-саломатлигига-зарар етказиш имконияти-мумкин қадар камайтирили-ши лозим.

Ҳомилдорлик белгилари-аниқ кўриниб турган аёллар-га, ногиронлик белгилари-аниқ кўриниб турган шахс-ларга, ёш болаларга нисба-тан махсус воситаларни қўл-ланиш тақиқланади, улар-нинг ҳаётга хавф солувчи-ҳужум қилиши, кўпчилик бў-либ ҳужум қилиши ёки қу-ролли қаршилик кўрсатиш-ҳоллари бундан мустаснодир.-Махсус воситалар рўйха-тининг ўзгартириш, шунингдек-уларни қўлланиш қондалари-ССР Иттифоқи қонуни би-лан белгилаб берилади.

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ҳарбий хизматчила-рининг шахсий хавфсизлиги-ни таъминлаш учун дубулға,-қалқон, зирҳли камзуллар-ва бошқа шахсий ҳимоя-воситаларидан фойдаланиш-мумкин.

IV БУЛИМ. ДАВЛАТ-ХАВФСИЗЛИГИ-ИДОРАЛАРИ-ХОДИМЛАРИНИНГ-ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ,-ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ-ВА МАСЪУЛИЯТИ

16-модда. Давлат хавф-сизлиги идоралари ходим-ларининг ҳуқуқий мақоми

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизмат-чилари хизмат вазифалари-ни бажариш чоғида ҳоки-мият вакиллари ҳисоблана-дилар ва давлат ҳимоясида-бўладилар. Уларнинг хизмат-фаолиятига қонун билан-бевосита ваколат берилган-идоралар ва мансабдор-шахслардан ташқари ҳеч-кимнинг аралашishi ҳақи-йўқ.

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ҳарбий хизматчила-рининг қонуний талаблари-фуқаролар ва мансабдор-шахслар томонидан бажари-лиши мажбурийдир. Дав-лат хавфсизлиги идоралари-ҳарбий хизматчиларининг-қонуний талабларига бўй-сунмаслик, давлат хавфсиз-лиги идораларининг ҳарбий-хизматчиларини ҳақорат-лаш, уларга қаршилик кўр-сатиш, дўқ қилиш, зура-вонлик ёки ҳаётига, сало-матлигига ва мол-мулкига-тажовуз қилиш, шунингдек-давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизматчи-лари зиммасига юклатилган-вазифаларини бажаришга тўс-қинлик қилувчи бошқа ҳа-ти-ҳаракатлар ССР Иттифо-қи ва республикалар қону-ларида белгилаб қўйилган-жавобгарликка сабаб бўла-ди.

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ҳарбий хизматчи-лари хизмат вазифаларини-ва хизмат бурчини бажари-ши муносабати билан улар-нинг оила аъзолари ҳаёти-ни, саломатлигини, шаъни-ни, қадр-қиммати ва мол-мулкни жиноий ҳуружлар-дан ҳимоя қилиш ССР-Иттифоқи ва республика-ларнинг қонунларида кўзда-тутилади.

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ишчилари ва-хизматчилари уларнинг бе-восита вазифалари билан-боғлиқ бўлмаган давлат-хавфсизлигини таъминлаш-тадбирларига жалб этилган-тақдирда, ушбу қонуннинг-14-моддаси 6—9 бандлари-да ана шу идораларнинг-ҳарбий хизматчиларига бе-рилган ҳуқуқлардан фой-даланадилар; давлат хавф-сизлиги ҳарбий хизматчи-лари учун белгилаб қўйил-ган ҳуқуқий ҳимояланиш-кафолатлари уларга ҳам-тааллуқли бўлади.

Мазкур тадбирларга жалб-этилган ички ишлар идо-раларининг ходимлари ушбу-қонуннинг 14-моддаси 6—9-бандлари ва 15-моддасида-давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизматчи-ларига берилган ҳуқуқлар-дан фойдаланадилар; дав-лат хавфсизлиги идоралари-ҳарбий хизматчилари учун-кўзда тутилган ҳуқуқий-ҳимояланиш кафолатлари-уларга тааллуқли бўлади.

Фуқаролар давлат хавф-сизлиги идораларига кўмак-лаштиши муносабати билан-шу фуқаролар ва уларнинг-оила аъзоларига нисбатан-қилинган ғайриқонуний ҳа-ти-ҳаракатлар ССР Итти-фоқи ва республикаларнинг-қонунларида белгилаб қўйил-ган жавобгарликка олиб бо-ради.

17-модда. Давлат хавф-сизлиги идоралари ходим-ларининг ижтимоий ҳимоя-си

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ходимлари ижтимоий-ҳимоя қилинишига давлат-кафолат беради.

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизмат-чилари иттифоқ бюджети-маблағлари ҳисобидан давлат-йўли билан мажбурий шах-сий суғурта қилдирилиши-шарт. Туланадиган суғурта-пули миқдорини СССР Ва-зирлар маҳкамаси белгилаб-беради.

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизмат-чиси хизмат вазифаларини-ёки хизмат бурчини бажар-иш чоғида унинг мол-мулкига етган зарар итти-фоқ бюджетидан маблағи ҳисо-бидан тўла ҳажмда тўлана-ди.

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ҳарбий хизмат-чисига у хизмат вазифа-ларини ёки хизмат бурчини-бажариш чоғида саломат-

лигига шикаст етиши нати-жасида келтирилган зарар-шу асосда туланадиган-пенсия миқдоридан ошади-ган ҳажмда иттифоқ бюдже-ти маблағи ҳисобидан тўла-қопланади.

Хизматдан пенсия олиш-ҳуқуқи берилмай ишдан-бўшатилган давлат хавф-сизлиги идораларининг ва-СССР Давлат хавфсизлик-комитети қўшинларининг-ҳарбий хизматчилари учун-ижтимоий ҳимоя кафолат-лари ССР Иттифоқи қону-ларида белгилаб қўйилади.

Давлат хавфсизлиги идо-ралари ишчилари ва хиз-матчилари ижтимоий ҳимоя-си ССР Иттифоқи ва рес-публикаларнинг қонунлари-га мувофиқ таъминланади.

Давлат хавфсизлигини-таъминлаш тадбирларига-фуқаролар, шу жумладан-давлат хавфсизлиги идо-раларининг ишчилари ва хиз-матчилари жалб этилган-тақдирда ушбу модданинг-учинчи ва тўртинчи қисм-ларида кўзда тутилган қои-далар уларга нисбатан қўл-ланилади, улар ҳалок бўлган-тақдирда оилаларига СССР-Вазирлар маҳкамаси белги-лайдиган тартибда ва миқ-дорда бир мартали нафақа-тўланади.

Ушбу модданинг учинчи-ва тўртинчи қисмларида-кўзда тутилган ижтимоий-ҳимоя тўғрисидаги қоида-лар ички ишлар идоралари-нинг ходимлари давлат-хавфсизлиги идоралари то-монидан давлат хавфсизли-гини таъминлаш тадбирлари-га жалб этилган тақдирда-уларга нисбатан ҳам қўлла-нилади.

18-модда. Давлат хавф-сизлиги идоралари ходим-ларининг масъулияти

Давлат хавфсизлиги идо-раларининг ходимлари ўз-ваколатлари доирасида мус-тақил қарор қабул қилади-лар. Ғайриқонуний ҳаракат-лар ва ҳаракатсизлик учун-улар қонунга мувофиқ ра-вишда интизомий, маъму-рий ва жиноий жавобгар-бўладилар.

V БУЛИМ. ДАВЛАТ-ХАВФСИЗЛИГИ-ИДОРАЛАРИ-ФАОЛИЯТИНИ-ТЕКШИРИШ ВА-НАЗОРАТ ҚИЛИШ

19-модда. Давлат ҳоки-мияти ва бошқарув идо-раларини текшириш

СССР Давлат хавфсиз-лик комитети фаолиятини-СССР Олий Кенгаши, СССР Президенти, шунинг-дек СССР Вазирлар Маҳ-камаси текширади.

Жумҳуриятларнинг дав-лат хавфсизлиги идоралари-тегишли жумҳуриятлар дав-лат ҳокимияти ва бошқарув-олий органларига, шунинг-дек СССР Давлат хавфсиз-лиги комитетига ҳисоб бе-радилар.

СССР Давлат хавфсизли-ги комитети ва бошқа дав-лат хавфсизлиги идорала-рининг ҳисоб бериш тарти-бини ва тақдим этадиган-ахборотлари характерини-СССР Президенти белгилаб-беради.

20-модда. Прокурор на-зорати

Давлат хавфсизлиги идо-ралари фаолиятида қону-ларнинг бир хил ва аниқ-ижро этилишини СССР-бош прокурори, иттифоқ-дош республикаларнинг про-курорлари ва уларга бўйсунувчи прокурорлар назорат-қилиб борадилар.

Совет Социалистик-Республикалари-Иттифоқининг Президенти-М. ГОРБАЧЕВ. Москва, Кремль. 1991 йил 16 май.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОТИБИЯТИНИНГ МАЖЛИСИДАН

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ
КОТИБИНИНГ УРИНБОСАРИ
В. А. ИВАШКО РАИСЛИГИДА КПСС
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
КОТИБИЯТИНИНГ НАВБАТДАГИ
МАЖЛИСИ БУЛДИ

Мажлисида иқтисодиёт соҳасида жиноятчилик кўпайиб бораётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу нараса ҳозирги пайтда виждони пок ҳар бир кишини ташвишга солимоқда. Га-зеталар, телевидение жиноий гуруҳлар қўлга олингани ҳақида жуда кўп хабарлар бермоқда, яшириб қўйилган ёки тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ва пулларни кўрсатмоқда. Аҳолида: иқтисодий баъдизм кўриниб турибди, уюшган жиноятчилик авжига чиқапти, жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун қатъий чоралар қўрилмапти, деган бутунлай аниқ бир фикр вужудга келмоқда.

Аслида нималар бўлапти? Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги қандай? Партия комитетлари, раҳбар коммунистлар СССР Президентининг шу масалага доир Фармонини амалга оширишда ўз жойларини аниқлаб олдиларми?

Ана шу ва бошқа муаммолар хусусида ташвишли гаплар борди. Муҳокама қилинаётган масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, Котибият мажлисида СССР Олий Кенгаши бир қанча комитетлари ва комиссияларининг коммунист раислари ва аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари таклиф этилди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков, СССР Ички ишлар вазири Б. К. Пуго, СССР Бош прокурори Н. С. Трубиннинг ахборотларида иқтисодий соҳадаги жиноятчиликнинг ҳолати ҳолис таҳлил қилиб берилди. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишларга ўзини ўзи танқид руҳида баҳо берилди. Жумладан, қўйидаги тамойил таъкидлаб ўтилди: ҳуқуқбузарлик қўламлари халқ ҳўжалигининг айна аҳоли ҳаётини муҳим эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларини тобора кўпроқ қамраб олмақда. Бу аввало, халқ истеъмоли молларини сақлаш, ташиниш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларга тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. С. Строев ачинарли маълумотларни таҳлил этиб, ҳуқуқбузарлик кўпайган пайтда нима учун

жиноят содир этаётган ва уларга кўмаклашаётган шахсларнинг кўпчилиги жазосиз қолмоқда, деб ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шаънига таъна қилди. Унча муҳим бўлмаган жиноятлар учун жиноий жазони енгиллатиш аслида ҳозир хавфли тусдаги жиноятларга ҳам кўчирилди. Масалан, ўтган йили савдо қондаларини ашаддий равишда бузган 6 мингдан ортиқ одамдан атиги 7 киши озодликдан маҳрум этилди. Чайқовчилик, савдода катта миқдордаги сунистеъмоллар, ўғирлик каби хавфли жиноятлар муқаррар равишда жазоланмай қолишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлади нотиқ.

Е. С. Строев ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шаънига бир қанча ҳақли эътирозларни айтиб, у ерда ишлаётган коммунистларни тагин ҳам қатъият билан ҳимоя қилишга чақирди. Чунки сиёсатдан ҳоли қилиш, Иттифоқ идораларига қарам бўлмай, мустақил бўлиш баҳонаси билан ёқмайдиган ходимлар четлаштирилмоқда ва нафсоният билан боғлиқ муддаоларга иттифоқона хизмат қиладиган «ўз» одамлари билан алмаштирилмоқда. Ҳар ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўз кучлари етарли эмас. Идоравий назорат бўшашиб кетган. Бир қанча совет идоралари ҳўжасизликнинг кучайишига қарши аниқ-равшан ҳаракат қилмаяпти. Партия комитетлари, барча коммунистлар салбий ҳодисаларга қарши курашда фаолроқ қатнашиб, бундай ҳодисаларнинг жамиятга беқарорлаштирувчи таъсирини бартараф этишга эришишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг котиби В. М. Фалин фуқаролар шахсий хавфсизлигини биздаги барча тақчилликлар орасидаги энг ўткир тақчилликлардан бири деб атади. Жиноятчилик миқёси шундай тус олдики, одамлар ўз яқинларининг ҳаёти ва саломатлигидан доимо ташвишланганидан бўлиб қолдилар. Бу давр вақт жиҳатидан қайта қуриш бошланишига тўғри келди, шу сабабли одамларнинг бир қисми уни қайта қуришнинг оқибати деб билмоқда. Бу янглишишдир, деб таъкидлади нотиқ, агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан ўзларидан мавжуд имконият

лардан тўла-тўқис фойдаланганларида эди, бундай янглишишга йўл қўйилмаган бўларди. Бозор муносабатларини жорий этган бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат бермоқда. Уларнинг қонунлари, бу қонунларни қўлланиш тажрибаси билан танишиш кифоя қилур эди, қонунларда, жумладан, фавқулудда вазиятда чораларнинг роят самарали тизмасини қўлланиш кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ҳимоя қилиш тўғрисида гапирганда эса, партия ташкилотлари дадилроқ ҳаракат қилишлари, хизмат бурчига биноан СССР Конституцияси ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган кишиларнинг фақат ҳаёти ва саломатлигига эмас, шу билан бирга уларнинг шаънига қилинаётган ҳар бир ҳуружни эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Нотиқ партия номидан СССР Олий Кенгашига жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани киритиш таклиф қилди.

Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев қонун чиқарувчи идораларнинг мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши суръатларидан яққол орқада қолаётганлигини (аввалига рўкет пайдо бўлди, сўнгра унга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинди) айтиб, кооперативларда сунистеъмоллар даражаси жуда юқорилиги сабабларига тўхталди. Асосан воситачилик вазифалари, молларни қайтадан сотиш билан шуғулланаётган кооперативларда қонунийлик бошқа кооперативларга нисбатан кўпроқ бузилмоқда. Кооперативларнинг барча турлари учун солиқ солиш тизмаси эса бир хил. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш кооперативларининг улуши кооперативларнинг умумий соҳида атиги 6 фоизни ташкил этади.

Шу масалани муҳокама қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг котиблари П. К. Лучинский, Б. В. Гидаспов, В. А. Купцов ва бошқалар жойлардаги партия ташкилотлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда иштирок этишга эътиборни бўшаштириб юборганликлари ҳақида гапирдилар. Ҳар бир минтақада иқтисодий жиноятлар кўпайиши сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, юз берган ишларнинг аҳволига партиявий-сиёсий баҳо бериш, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда аниқ-равшан чора-тадбирларни кўрмаётган Совет ҳокимияти, ҳўжалик бошқаруви маҳаллий идоралари

ҳамда уларнинг раҳбарлари фаолиятига ўз муносабатини кенг жамоатчиликка етказиш керак, деб таъкидлашди улар. Бу ишга барча даражадаги коммунист депутатлар, ишчи назорати ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа ташаббускор бирлашмалари фаол қўшилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов КПСС Марказий Комитети СССР Хавфсизлик Кенгаши билан, давлат бошқарувининг ўзга идоралари билан тагин ҳам мустақамроқ ҳамкорлик қилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида партия йўлини қатъият билан ўтказиш зарурлигига эътиборни қаратди. У СССР Хавфсизлиги Кенгаши билан Вазирлар Маҳкамасини КПСС Марказий Комитети котибиятининг кўриб чиқилаётган масалага доир фикри билан таништиришни таклиф қилди. КПСС Марказий назорат комиссияси ҳам, деди А. С. Дзасохов, тегишли ишни авж олдириши, ҳўжасизлик ва сунистеъмолларга қўниқиб қолган коммунистларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим эди.

Мажлис пировардида сўзга чиққан В. А. Ивашко қонунларни қўлланиш тажрибасини иқтисодиётда юз берган вазиятга мувофиқлаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилишни тезлаштириш ўткир зарурат бўлиб қолганлигини айтиб ўтди.

Бош котибининг ўринбосари ҳар бир партия комитети ватандошларни алдашга, халқ бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, бойлик орттиришга доир фактларни кенг ошкор қилиши лозим, деган фикрни ёқлаб гапирди.

Муҳокама натижасида қабул қилинган қарорда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни камайтиришга қаратилган ҳаракатларга партиявий ёндашув баён қилиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг котибияти чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари билан олиб бориладиган ишнинг айрим масалаларини ҳам кўриб чиқди.

РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг Г. А. Горбуновни Астрахань вилоят партия комитетининг биринчи котиби, И. М. Шабановни Воронеж вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб тайинлаш ҳақидаги, Украина Компартияси Марказий Комитетининг В. И. Малевни Запорожье вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб тасдиқлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБЛАР

«...БХО»ЛАР

ТЎХТАТИЛМАСИНИ

Шу йил 18 май кuni Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция майори Ражаббой Очилов 2-алоҳида рота шахсий таркиби билан учрашув ўтказди. Бу тадбирда Навоий шаҳри, Навоий, Қизилтепа, Навбахор туманлари ички ишлар бўлимлари йўл назорати инспекторлари ҳам иштирок этишди.

Учрашувда ўртоқ Очилов ходимларимизнинг хизматга тайёргарликларини текширувдан ўтказди. Кийим-бошлар ва ҳужжатлар кўздан кечирилди. Кейинги яқин кунлар ичида ИИБ давлат автомобиль назорияти бошқармасидан вакиллар келиб, текширув ўтказишларини билдирди ва вилоят ИИБ ДАНБ раҳбарияти Навоий минтақаси йўл назорати инспекторлари фаолиятидан норози эканлигини маълум қилди. Лекин қайси туман ИИБ йўл назорати инспекторлари эканлигини айтмади.

Ўртоқ Очилов сўзининг охирида юздан ортиқ инспекторларга «БХО» серияли автомашиналарни тўхтатмаслик, аксинча уларга ҳеч нарса бериш ҳақида оғзаки буйруқ қилди.

Биз — Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ 2-алоҳида ротаси ходимлари ҳозиргача ана шу буйруқни бажариб келаямиз. Лекин бу буйруқ анча ўйлантириб қўйган. Ёки БХО серияли автомашиналар учун алоҳида қонун пайдо бўлган-у, у бизгача етиб келмаганими? Уйлашимизча, ички ишлар вазирлиги томонидан тасвия этилган кўрсатмаларда ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган.

Хурматли таҳририят! Бу нима — қайта қуришнинг бир кўринишими?

Биз юқори ташкилотлардан махсус кўрсатма олмаганимизча ўртоқ Очилов буйруғини бажаришга мажбурми?

Ж. ОЛЛАМОВ,

Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ 2-алоҳида ротаси командири милиция майори.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ж. Олламовнинг мактубида кўтарилган муаммо мутасадди раҳбарлар томонидан жиддий ўрганишни тақозо этади. Айни пайтда таҳририят муаллиф ўртага ташлаган даъволар ўринли-ўринсиз эканлиги учун жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам мактуб бирор жойга қалам теккизишмай, қандай бўлса, шундайлигича чоп этилди. Бу билан маъсулият тўпаллигича Ж. Олламов зиммасига юклатилади.

САЛОМАТЛИК

БАҲОСИ

15 май кuni Тошкент шаҳар ИИБга ташвишли хабар тушди. «Женя» исмли номаълум киши чирчилик 18 ёшли фуқаро Р. Эшурлаевни майиб қилиб қўйиш билан чўчитиш, 20 минг сўраётган экан. Шошилинч равишда товламачини фощ этиш чоралари кўрилди. 16 май кuni Горький катта кўчасидаги ўлка табиблик илмгоҳи яқинида бели оғримай топан пулни санаётганда жабранувчининг тенгдоши Е. Блоштейн ушланди.

Одатда ўғри маҳалласидаги буюмга кўз олайтирмайди, дейишади. Тошкент шаҳридаги алоқа олий билимгоҳи талабалари 18 ёшли В. Ким ва 17 ёшли А. Кан, шу билимгоҳ лаборатория 18 ёшли А. Савин узоқ вақт давомида талаба Ю. Алексейдан 200 сўм миқдоридида пул товлаб келишди. 16 май кuni билимгоҳга кираверишда наватбадаги текин лўғмани ютмоқчи бўлишганда, қўлга тушдилар.

Ғ. ТЕМИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯСИ ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Конституциявий комиссияси Ишчи гуруҳининг наватбадаги мажлиси бўлди, унда жумҳурият янги Асосий Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ишларнинг дастлабки босқичи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари — Ўзбекистон ССР прокурори Б. М. Мустафоев, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов, Х. С. Сулаймонова

номли Суд экспертизаси илмий тадқиқот илмгоҳининг директори, ҳуқуқ фанлари доктори Б. И. Пинхасов, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси, ҳуқуқ фанлари доктори Х. Р. Раҳмонқулов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори, ҳуқуқ фанлари доктори А. Х. Саидов, Ўзбекистон ССР адлия вазири М. Б. Маликов Ишчи гуруҳи аъзоларига тегишли кичик гуруҳларда ишлаб чиқилаётган Конституция

лойиҳаси кириш қисми ва бўлимларининг асосий йўналишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Лойиҳада Ўзбекистон ССР Мустақиллиги тўғрисидаги декларация, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳар бир демократик ҳуқуқий давлат мулки бўлган бошқа қадриятларга асосланган меъёрлар тўла акс этиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисида лойиҳани тайёрлаш юзасидан тагин ҳам чуқурроқ ва фаолроқ иш олиб боришга қаратилган қўшим-

ча чора-тадбирлар ҳамда наватбадаги мажлисда муҳокама қилиш мўлжалланган масалалар белгиланди.

Ишчи гуруҳининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти аппарати ҳуқуқий бўлими шўъбасининг мудир Х. Т. Одиқориев мажлис қатнашчиларига «Иттифоқ шартномаси» Иттифоқдош жумҳуриятнинг мустақиллиги ва Конституцияси муаммоси юзасидан 14-18 май кунлари Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳақида сўзлаб берди.

УЛАРДАН ЭРНАК ОЛИНГ

КАМАРБАСТА



Баҳром Аҳмедовнинг ёши 30 да. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳида тахсил олган. 1981 йилдан бери ички ишлар соҳасида хизмат қилади. 1985 йилдан бери Боғот туманидаги Наримонов номли жамоа хўжалигида участка вакили, унвони — милиция катта лейтенанти. Уч нафар фарзанди бор.

Унинг таржимаи ҳоли бошқаларникидан унча фарқ қилмайди — оддийгина ва қисқагина. Лекин танлаган касбига муҳаббати, бурчига садоқати кўпчиликлари намуна бўлиши мумкин.

Эл-юрт осойишталигига камарбасталикни зиммасига олган бу йигит тиним нима-лигини билмайди. Доимо одамлар орасида. Уларнинг ташвиши билан яшайди, қувончига ҳам шерик бўлади.

У ўз участкаси ҳудудида 17 нафар муқаддам судланган, 5 нафар спиртли ичимликка муккасидан кетган, 20 нафар руҳий касалликка чалинган шахслар билан мунтазам профилактик иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак, ўша шахслар томонидан бутунгача бирор марта ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилмади.

Баҳром Аҳмедов ўтган йил октябрь ойида Тошкентда ўтказилган жумҳурият участка вакилларининг тажриба-маҳорат танловида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Участка вакилининг гайрат-шижоатига ишонган аҳоли уни Бешариқ қишлоқ Кенгашига депутат қилиб сайлаган.

Қуйида участка вакили Б. Аҳмедов хизмат фаолиятинан бир лавҳа келтиряпмиз.

Тонг отишига ҳали эрта бўлсада, «Дарвешбобо» қабристонини қоровули Ибодулло ота Шарипов ўша ёққа олди. Кексайгандан кейин одам камуйқу бўлиб қоларкан. У ҳам шунақа, ҳар кун бомдод навозини масжидда ўқийди, у ёқ-бу ёқни супуриб-сидиради.

Бу гал у масжидга етиб келди-ю, умри бино бўлиб кўрмаган-эшитмаган манзаранинг устидан чиқиб, лол қолди. Дераза синдирилган, эшик эса ланг очик.

Ибодулло ота шошилиб ичкарига кирди. Ҳамма ёқ ағдар-тўнтар қилиб ташланган. Хона тўрига осиб қўйилган қўшғиш ов милтиғи жойида йўқ, тўққиз дона ўқ ва бир неча муқаддас китоблар ҳам олиб кетилган.

Ибодулло ота вақтни бой бермай зудлик билан Боғот тумани ИИБга қўнғироқ қилиб, юз берган воқеани батафсил тушунтирди. Бўлим навбатчиси эса бу ҳақда Наримонов жамоа хўжалиги участка вакили милиция катта лейтенанти Баҳром Аҳмедовни огоҳ этди.

Орадан чамаси бир соатларча вақт ўтгач, у телефон орқали ИИБ билан боғланиб, ахборот берди.

— Воқеа жойида бўлдим. Жиноятчи анча эҳтиётсизлик билан иш тутган кўринади. Чил-чил бўлган дераза ойналарида қон бор.

Афтидан, у ўғирликка кечаси 3-4 лар оралиғида қўл урган. Қисқаси, хизмат ити юборсангиз, қидирувни бошлаш керак.

Орадан кўп ўтмай вилоят ички ишлар бошқармаси кинологи хизмат ити билан етиб келди. Тўрт оёқли жонивор дарҳол ҳид олиб, қўл томонга елиб кетди. Аммо кўлнинг кун чиқар тарафидаги тўқайзорга етиб келгач, изни йўқотиб қўйди.

— Жиноятчи шу атрофга яширинган бўлиши мумкин, — деди кинолог. — Эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Ҳар ҳолда у қурол ўғирлаган.

— Бўлмаса, сиз атрофни диққат билан кузатиб туринг, — дея таклиф билдирди Баҳром. — Мен бўлимга тез бориб, махсус кийим ва қурол олиб келаман.

Бу таклиф кинологга ҳам маъқул тушди.

Қисқа изох: участка вакили Б. Аҳмедов ички ишлар идораларидаги мавжуд тартибга биноан иш кунни туғгач, қуролини бўлимга топширган. Ҳақли савол туғилди. Участка вакиллари, айтилиш, ярим кечаси жиноят содир этилса ҳам, аралашмишга бурчли. Шунинг учун улар қуролини доимо ўзи билан олиб юриш имкониятига эга бўлсалар, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Баҳром қуролланди ва ёнига кўнгилли халқ дўжиначиси Мўмин Раҳимовни олиб, яна қўл томонга қайтди. Машинани учириб келишгаётганда йўл чеккасидаги тўтзордан чиққан киши уларнинг эътиборини тортди. Сумка ва магнитола кўтариб олган бу одамнинг

уст-боши қон эди.

— Ҳеч нарса сезмагандек ундан ўтиб кетамиз, — деди Баҳром шофёрга.

Шундай қилишди ҳам. Машина чап томондаги йўлга бурилгач, сездирмай ўзлари томонга келаятган кишини кузатди. У негадир нотинч эди, атрофга аланглаб қарар, гоҳ тез-тез одимлар, гоҳ югурар эди.

— Уни қўлга оламиз, — деди Баҳром шерикларига, — ҳойнаҳой, ўғри ўша бўлса керак.

Шубҳали кишини машинага ўтқизиб, кинолог кутаётган жойга олиб келинди. Шу ерда масала анча аёнлашгандек бўлди. Жиноятчини кутиб ўтирган ит эндигина машинадан тушаётган номаълум кишига ташланиб, унинг қўлидаги сумкани тушириб юборди. Қабристондаги масжиддан ўғирланган ўқлар ва диний китоблар сочилиб кетди.

Жиноятчининг шахси аниқланди, у Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг иккинчи бригадаси ҳудудида истиқомат қилувчи Худоёр Султонов бўлиб чиқди. Лекин айбини кескин рад эта бошлади. Турли баҳоналарни рўқач қилиб, қўшғиш милтиқни қаерга яширганлигини айтмади.

Баҳром Аҳмедов жамоатчиликлари мурожаат қилиб, ўғирланган милтиқни топишда кўмаклашишларини илтимос қилди. Орадан бир неча кун ўтгач, бу қурол «Шоидбобо» қабристонидан топилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,

Саъдулла БОБОЕВ (суратлар муаллифи).



СУРАТЛАРДА: участка вакили Баҳром Аҳмедов ҳузурига келган киши билан суҳбатлашяпти; ИИБ бошлиғи милиция

майори Бобоҳон Қиличев ва ҳаммасблари Б. Аҳмедовни «катта лейтенант» унвони билан табриклашмоқда; Ойла

аъзоларинг билан дастурхон атрофида ўтириб, бир пиёла чой ичишга нима етсин!

Инсонга элу юрт, устоз ва шогирдлар ишончини оқлаб, ўз касби туфайли обрў-этибор қозониб яшашдан ҳам ортқроқ завқ бўлмаса керак. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. У меҳнат ва фидойиликни талаб қилади.

Йўлдошмурод Қодиров ана шундай фидойи инсонлардан. У болалигидан милиционер бўлишни орзу қиларди. Бухоро технология олий билимгоҳини тугатгач, ички ишлар идораларига ишга кирди. Аммо бу соҳа махсус билимни талаб қиларди. Шунинг учун ишдан ажралмаган ҳолда СамДДнинг ҳуқуқшунослик куллиятини сиртдан тамомлади.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Ленин номли жамоа хўжалигига участка вакили қилиб тайинланганида, бу ерда майда безорилик, мол ўғирлаш ҳоллари жуда авж олган эди. Йўлдошмурод уларни келтириб чиқараётган сабабларини ўрганишга ҳаракат қилди, аҳоли ўртасида тушунириш ишлари олиб борди. Натижада 1989 йили 14 жиноят содир этилган бўлса, 1990 йилда у бор-йўғи 3 тани ташкил этди. 1991 йилининг шу бугунига қадар бирор жиноят қайд этилмади.

КИШИЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Ютуқлар боиси нимада! УзССЖ Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 4 августдаги «Жиноятчиликлари қарши курашни кескин кучайтириш ҳақидаги», УзССЖ Олий Кенгашининг 1989 йил 21 октябрдаги «Жумҳуриятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш тўғрисидаги» қарорларини меҳнаткашлар билан муҳокама қилди ва аҳолини жиноятчиликлари қарши биргаликда кураш олиб боришга чақирди. Қишлоқ фаоллари, жамоа хўжалиги раҳбарлари, бригада бошлиқларидан иборат ишончли 27 киши танланиб, штатсиз участка вакиллари этиб сайланди. Улар ўзларига бириктирилган ҳудудларда рўй бераётган воқеалардан хабардор бўлиб турадилар, тўй-маъракаларнинг батартиб ўтишига бош у қош. Ёшлар ва ўсмирлар орасида ҳам ҳуқуқий тарғибот олиб боришади. Ҳар 15 кунда Ленин ва Бобур номли жамоа хўжаликлари йиғилишида ҳисобот берадилар.

К. Омонов, С. Очилов, М. Анваров, Ш. Ҳабибов, К. Эшнӣёзов, Ҳ. Раҳматов каби штатсиз участка вакиллари талабчанлиги билан ажралиб туришади.

Жамоа хўжаликлари ҳудудида 13 минг 500 аҳоли истиқомат қилади. Шуларни ҳисобга олиб Я. Қодиров жойларда жамоатчилик постларини ташкил этди. Бу постларда соат 23 дан тонгги 6 гача навбатчилик жорий этилди. Шу вақт ичиде содир бўлган воқеалар, автомашиналар қатнови махсус дафтарга қайд этилади.

Я. Қодировнинг депутатлик фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Унинг ташаббуси билан артезман қудуғи, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ишга туширилди. Киров номли қишлоқ Кенгашидан врач учун мотоцикл ажратилди.

1971 йилдан буён КПСС аъзоси, 1978 йилдан ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаятган Йўлдошмурод Қодиров бир неча бор ИИБ томонидан мукофотланган. Жиноятчиликлари қарши курашдаги, жамоат тартибини сақлашдаги хизматлари учун УзССЖ ИИБнинг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган.

Я. Қодиров эл хизматиға астойдил бел боғлаган инсонларнинг бири. Унинг кишилар кўнглига топган йўли янада ойдин бўлсин.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.

ТУБАНЛИК

Оператив гуруҳ аъзолари зудлик билан табиблар шаҳарчасидаги 27-уйга етиб келишди. Бу ерда тўрт киши бор эди — хонадон соҳибаси, унинг қизлари Сурайё ва Шохиста ҳамда қўшниси Муборак.

Хонадон соҳибасининг юзидан сезилиб турарди — ичти ит тирнарди. Лекин номус кучли милиция ходимларига зўраки табассум билан боқар, шунда ҳам кўзларидан сўнгсиз изтиробни ўқиб олиш мумкин эди.

— Ҳеч нарсанга тегманлар, деган эдик айтганимизни қилдингларми? — деб сўради милиция майори Анвар Мирсодиқов ағдар-тўнтар қилиб ташланган хонага шошилиб назар ташлаб.

— «Ҳа» жавобини олгач, навбатдаги саволга кўчди.

— Ишдан келганингизда уйда кимлар бор экан?

— Қизларим ва қўшним.

— Қайси қўшнингиз? — суҳбатга аралашди милиция лейтенанти Абдушуккур Турсунмуродов.

— Булар, — дея хонадон соҳибаси Муборакни кўрсатди. Сўнгра қўшиб қўйди. — Яхши қўшни бошингга ёмон кун келганда билинаркан.

Оператив гуруҳ таркибиде келганлар зудлик билан ишга киришиб кетишди. Талончилардан қолган бармоқ излари, ўғирланган буюмлар рўйхати, икки қизалоқ кўрсатмалари ҳужжатлаштирилди. Шу асосда ўғриларнинг тахминий суратлари чизилди.

Изқуварлар дастлабки ишларни тугатлаб, Собир Раҳимов тумани ИИБга қарашли 1-шаҳар милиция бўлини масига келганларида сотат миллари тунги иккинчи кўрсатарди.

Бўлима бошлиғи А. Мирсодиқов аввал гуруҳ аъзоларининг фикрларини диққат билан тинглади. Кейин ўз хулосасини баён қилди.

— Тўғриси айтсам, жабрланувчининг қўшниси Муборак менда шубҳа уйғотяпти. — деди у ўйчан қиёфада. — Маълумотларга қараганда у ўғрилиги учун судланган экан.

— Фикрингизга қўшиламан, ўртоқ майор, — деди А. Турсунмуродов. — Ўғрилар ташлаб кетган тугунни у гараж ёнидан топиб олган эмиш.

— Ҳа, яшанг. Лекин бизнинг ишимизда фаразларга эмас, аниқ далилларга асосланиш керак. Бунинг учун ўша тугун ичидан топилган Зухра исмли аёл паспортини ва унинг боласига тегишли туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ўрганиш керак. Бу иш билан, Абдушуккур, ўзингиз шугулланасиз.

ПЕШКАДАМГА ВОЙ БЕРИШДИ

Якшанба кун жумҳуриятимиз футбол ишқибозлари иттифоқ телевидениеси орқали МАСК ва «Пахтакор» командалари ўртасидаги учрашувни томоша қилдилар. Пахтакорчилар сафарда муҳим икки очкони биринчилик пешқадамга бой берди.

Армиячилар киритган учта тўпга жавобан ўйиннинг сўнгги дақиқаларида пахтакорчи Галиев янгра жавоб тўпини йўлади.

З. СОДИҚХУЖАЕВ.



— Хўп бўлади.

— Демак, эртага эрталаб соат еттидан кечинмай ишга киришамиз. Ҳозирча ҳаммага рухсат.

Эртаси кун тонгда милиция лейтенанти А. Турсунмуродов паспорт эгаси Зухра истиқомат қиладиган манзилга — Назарбек посёлкасига борди.

— Қизимизнинг турмуши бузилган, — дейишди унинг ота-онаси. — Шунинг учунми, биз билан яшамайди. Юнусобод даҳасида Шахноза деган дугонаси билан бирга туради.

Бошқа ҳеч қанақа маълумот ололмади. Начора, тоққа чиқмасанг, дўлана қайда, дейишди. Юнусобод даҳасининг 2-маҳалласида истиқомат қилувчи Шахноза исмли аёллар эҳтиёткорлик билан ўрганила бошланди. Ниҳоят, узоқ овора-сарсонгарчиликлардан сўнг «Универсам» дўкони рўпарасидаги уй хонадонларидан бирининг кўнгрини чалишди.

Кўп марталаб эшик очган Шахнозаларни кўравериб, ҳафсаласи пир бўлаверган А. Турсунмуродов ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйишга бир баҳя қолди. Унинг қаршисида навбатдаги Шахноза эмас, қидираётгани — паспорт эгаси Зухра турарди!

— Сиз Зухра бўлсангиз керак-а? — деб юборди у.

— Ҳа, мен Зухраман. Лекин сизни...

— Мен жиноят қидирув хизматиданман, — дея гувоҳномасини кўрсатди.

Зухра ҳам ҳадик, ҳам ҳайрат билан бир лаҳза тикилиб қолди. Кейин ичкарига таклиф қилди.

— Қани, марҳамат, уйда ёш болам бор, йиғлаб қолмасин тагин.

Стол атрофига омонатгина ўтиришгач, лейтенант муддаога кўчди.

— Паспортингиз билан болангизнинг туғилганлик гувоҳномасини кимга берган-

дингиз?

Аёлни кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди. Рангги хиёл оқарди.

— Тинчликми?

Лейтенант чўнтагидаги паспортни олиб кўрсатди.

— Бу сизникими, ахир?

— Меники, лекин сиз...

— Қандай?

— Саволимга тўлиқ жавоб бермадингиз, ҳужжатларни кимга берган эдингиз, деб сўрагандим. Ёки бу сирми?

— Йўе, нималар деясиз? — Зухра уялинкараб юзини четга ўгирди. — Шухрат акамларга берувдим.

Шундан кейин у дугонаси Шахноза орқали Шухрат билан учрашиб, бир-бирларини ёқтириб қолишганларини, йигит оиласидан ажрашиб, унга уйланишга ваъда қилганини гапириб берди.

— У қаерда ҳозир? — сўради изқувар.

— Кеча опасига атаб қандайдир ноёб моллар келтирган экан. Замон нотинч, вақтида эгасига топширайлик, деб Шахноза икковлари чиқиб кетишган.

— Қачон?

— Эрта тонгда.

Бу мулоқотдан изқувар ўзида йўқ даражада қувониб кетди. Худди ёш боладек. Зеро касбига ўзини тўла маънода бахшида қилган кишигина муваффақиятга эришса, шундай қувониши мумкин. Ахир, калаванинг учи топилган эди. Бу ерда милиция лейтенанти Мақсуд Машароповни қолдириб, ўзи яна йўлга отланди. Тўппатўғри жабрланувчи хонадонига йўл олди. Оила бошлиғи Зухровга учрашиб, Муборак ҳақида сўраб-суриштирди.

Зухров бир пайтлар Муборакнинг ўғлини даволаган. Шу сабаб бўлиб икки қўшни оила гўёки қариндош-урудек аҳил бўлиб кетишган. Улар ҳатто вақти-бемаҳал ҳеч тортинмай бир-бирлариникига кирди-чиқди қилишаркан.

— Қўйинг, умидимни ҳам уздим тақдирга тан бердим — деди Зухров ҳафсаласизлик билан қўл силтаб. — Нарсаларим топилма-топилма-син, лекин қўшнингнинг олдида бизни хижолат қилманг.

Айни шу пайтда Шухратнинг пайтавасига қурт тушганди. У опасиникида ўғирланган «ўлка»ларни кўздан кечириб, гўёки чўғ босиб олгандек тийирчилаб қолди. Ҳатто Шахнозанинг «нима бўлди, бирор нарса йўқолиб-дими» деган саволига жавоб қилиш ҳам юрагига сиғмади. Оёғини қўлига олиб, Муборакникига югурди.

— Зухранинг паспорти, боласининг гувоҳномаси қа-

ни? — деб сўради етиб келгач, нафаси бўғзига тикилиб.

— Келишганимиз бўйича тугунни гараж ёнидан топиб олдим, деб эгасига элтиб бердим, — деди Муборак ҳам устидан совуқ сув қўйиб юборилгандек дағ-дағ титраб. — Тинчликми?

— Дард тинчликми! Бало тинчликми! — ўшқирди Шухрат. — Паспорт қани, деб сўраяпман сендан?!

— Ўшандан кейин кўп ўтмай мелиса келди. Тугунни текшираётим, топиб олди.

— Ўҳ, каллаварам! — дея Шухрат бошига кетма-кет муштлай бошлади. — Ишнинг пачавасини чиқарибсан. Шунга айтишдики, аёл киши аралашган иш... деби!

Мақсадсиз, лекин бир нарсадан қуруқ қолаётгандек ташқарига отилди. Ва... ЖҚБ ходими Абдушуккур Турсунмуродовга рўпара келди. Унинг «Бир минутга мумкинми?» деган сўзларини эшитди-ю, орқа-олдига қарамай қочаверди. Қаёққа қочаётганлигини ўйлаб ҳам кўрмас, тобора тезроқ югурарди. Лекин Абдушуккур ҳам анойилардан эмас, чап-дастликда сафдошлари орасида унинг олдида тушади-гана йўқ. Тахминан 200 метрча қочиб, етиб олди ва оёғидан чалиб йикитди. Жиноятчининг қўлларини орқасига қайираётим, бу ҳолдан анграйиб қолган Зухровга мурожаат қилди.

— Ака, илтимос, бизникиларга қўнғироқ қилинг. Ўғриларнинг биринчиси ушланди, деб айтинг!

Болалар билан ўйнаб юрган Сурайё ва Шохисталар ҳам етиб келишди. Қўлчаларини бигиз қилиб, Шухратни кўрсатганча бири-бирига гал бермай бижирлаша бошлашди.

— Амаки, ада, уйимизга кириб, бизни ваннахонага қамаб қўйган шу одам эди!

Ким кўп — текин томошага талабгорлар кўп. Бир зумда тумонат одам йиғилди. Қўни-қўшнilar кечагина бўлган ўғирлик тафсилотларини ўзаро муҳокама қилишарди.

— Айвонда чекиб турувдим. Муборак дўхтирникидан катта тугун кўтариб чиқди ва гараж ёнига қўйди...

— Кейин шошилиб яна дўхтирникига кириб кетди.

— Ўша пайтда мен кирларни ёётгандим. У яна қайтиб чиқди, тугунни яна уларникига олиб кириб кетди...

Ниҳоят, қидирув ишларига яқун ясалиб, Шухрат, Шахноза ва Муборакларнинг кирдикорлари фoш этилди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. 12 минг 690 сўмлик буюмлар, кийим-кечак ва тақинчоқлар эгасига қайтариб берилди. Бунга кўра Зухров ва унинг рафиқаси ҳам куларди, ҳам куйрди.

— Е, тавба, кўздек қўшни-я! Тубанлик ҳам шунчалик бўладими?

Икром РАҲИМОВ,
милиция майори.

БЕШИНЧИ УСТУН ХАВАРЛАРИ

Қамоқ муддати— 1600 йил

Ҳукуқшуносларнинг фикрича... яқинда полициячилар қўлга олган Бразилия тарихидаги энг таниқли, ёлланган қотил Идельфонсо Кунья 3588 йилдагина «озодликка чиқиши» мумкин. Бойси Бразилия қонунинда ўлим жазоси кўзда тутилмаган, шу сабабли жиноятчининг 11 йиллик «зўр фаолияти» мобайнида содир этган кўплаб жиноятларига берилган жазо йиғиндиси 1600 йилни ташкил этди.

33 ёшли «устаси фаранг» 1977 йилдан буён 80 дан ортиқ қотиллик содир этган.

Кўзнинг янги роли

Иккита бир хил кўз йўқ. Шунга асосланиб, Орегон штатидаги компаниялардан (АҚШ) бири кўз тўрпаларасининг ўзига хос чиқиқларини таҳлил қилувчи асбоб яратди. Асбоб ўз «хотирасида» 1200 тагача тасвирни ушлаб қолади. Масалан, хонага кираётган одам аппарат орқали рўйхатга олинади, бунда биноклга ўхшаш мосламага қараши лозим. Олинган из асбобнинг «хотирасига» ўрнашиб қолади. Энди «рўйхатдан ўтган» одам оқуларга қараши ва кўз тўрпаларасини текширувчи кичик интенсивли мосламани ёқиши керак. Олинган из «хотирадаги» из билан солиштирилади. Буларнинг ҳаммасига бир ярим секунд вақт кетади. Асбоб яратувчилар кўз тўрпаларасининг ўзгармаслиги, бармоқ изларига қараганда афзалроқ, деган фикрда.

Ҳалок бўлган полициячиларга ёдгорлик

Мамлакат вужудга келган икки асрдан буён ҳалок бўлган 30 мингдан ортиқ полициячилар хотирасига умуммиллат меъморий ёдгорлигини ўрнатиш маросимида сўзга чиққан АҚШ Президенти Ж. Буш: «Жиноятчиликка қарши курашда Америка полициячилари кўрган талофат АҚШнинг айрим урушларидаги талофатларига қиёслагудек, — деди. — Уларнинг номлари ёдгорлиқнинг мейтин деворларига ўйилади. У 400 мингдан ортиқ америкалик фуқаролардан йиғилган хайр-эхсон эвазига қурилмоқда. Полициячиларнинг қотиллари олий даражали оғир жиноятларни содир этишди, уларга бериладиган жазо ҳам олий бўлиши керак».

Чекишга қарши ж а р и м а

Ҳиндистонда Ражастон штатининг кўпдан-кўп қишлоқлари орасида Хундер деб аталадиган бир қишлоқ бор. Бу ерда чекиш фақат ман қилинганга эмас, балки жазоланади ҳам. Сигарета ёки трубка билан ушланган ҳар бир одам 51 рупия жарима тўлашига тўғри келади. Бироқ маҳаллий рўномаalar Хундерда охириги бир неча йил давомида бундай жазонинг атиги бир маротаба қўллангани ҳақида хабар берадилар.

«Советская милиция»дан».

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАН КИШИ

чалари босилмасди, бирдан «ютуқ» деб ёзилган жойда 999.999 рақами пайдо бўлди — мен бир миллион сўм ютган эдим.

Кутилмаган янгилик тезда шов-шувга сабаб бўлди. Маъмурият аппаратни бузук ҳисоблаб, ўчириб қўйишни таклиф этди. Алексей бунга қўнмади. У ўз дўстлари билан бир миллион сўм ютуғини қўриқлаш мақсадида автомат олдида кечаю кундуз навбатчилик қила бошлади.

Бахт кулиб боққан Алексей Миско Белоруссия Олий Кенгаши Раёсатига, шаҳар прокурорига, адлия ва молия вазирларига телеграмма юборди. У автомат ишлаб чиқарган фирма ўз аппаратларидан бирига қандайдир кутилмаган совга-соврин қўйган бўлса керак, деб ҳисобламоқда. Мабодо мазкур автомат бузук бўлса, унда минг-минглаб пул ютқазган одамларнинг ҳақини ҳам қайтариб бериш зарур.

Минсклик Алексей Мискога бир миллион сўм ютуқ чиқди. Бу воқеа қандайдир Монакода эмас, балки Белоруссия касаба уюшмасининг маданият саройидаги ўйин автоматиде рўй берди. Лекин ютуқни олиш унчалик осон бўлмапти.

Омад кулиб боққан Алексей Миско шундай деди:

— Мен автоматга ҳар гал танга таъламаслик учун бир йўла 8 минг сўм пул ташладим. Аввалига ютқаздим, 5 минг сўмдан кўпроқ пулни қолганида, автомат бирдан тўхтаб қолди. Унинг тугма-

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР